БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 191 (1195)
26 СЕНТЯБРЬ
ЖУМА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин

БУГУНГИ СОНДА:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА (1-бет).

Машиналарни пахта теримига тезроқ тахт қилайлик! (1-бет).

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир Н. А. Муҳитдиновни қабул қилди (2-бет).

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ: **К. Финансов.** — Машинасоз рационализаторлар (2-бет).

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА: **И. Авцин.** — Трикотаж саноатимиз юксалишда (2-бет).

А. Абдуазимов. — Болаларимизни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялайлик (2-бет).

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН: **З. Ризаев.** — Ҳозирги замон Эрон ва Афғонистон адабиёти (3-бет).

ЖУРНАЛИСТ БЛОКНОТИДАН: **З. Есенбоев.** — Брюссель виставкаси хотиралари (3-бет).

Руминия Халқ Республикаси Конституцияси куни (4-бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида (4-бет).

Ўзбекистон ўнинчи спартакиадаси (4-бет).

МАШИНАЛАРНИ ПАХТА ТЕРИМИГА ТЕЗРОҚ ТАХТ ҚИЛАЙЛИК!

Пахта териш ва тайёрлаш суръатини кескин оширайлик

Поёнсиз пахта далаларимизда мўл ҳосил пишиб етилмоқда. КПСС XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорлар йиғим-теримда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Янги ерларда ташкил этилган «Коммунизм» колхози Боёвут районида биринчи ўринда кетаётир. Бу колхознинг аъзолари теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб нормани ошириб бажармоқдалар, колхозда ҳар бир киши кунига 60 килограмм ўрнига 80 килограммдан пахта термоқда. Ҳар куни 1,5 процентдан пахта топшираётган бу колхоз ҳозиргача йиллик планнинг 15 процентини бажариб қўйди.

Бекобод районидаги Дзержинский номли, Верхне-волинск районидаги «Победа» колхозлари, «Социализм», «Мирзачўл», 6-«Кўқ-ўрол» совхозлари ва қатор илғор хўжаликларнинг пахтакорлари йиғим-теримни зўр уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Лекин шуни айтиш керакки, имкониятлар етарли бўлишига карамаслан пахта териш ва тайёрлаш суръати кўнгилдагидек эмас. Чунки кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари йиғим-терим ишларини ташкил қилишда кечириб бўлмаслик даражада сусткашликка йўл қўйдилар. Мана шу колхоз ва совхозларда ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси пахта теримига тўла чиқарилган эмас.

Боёвут районида пахта териш ва тайёрлаш суръати ҳали талабга мутлақо жавоб бермайди. Район партия комитети ва унинг секретари Ўртоқ Сардаров, район қишлоқ хўжалик инспекцияси (Ўртоқ Кретов) ишга яроқли кишиларни далага тўла сафарбар этмаётирлар, кулай фурсатни қўлдан бой бериб қўймоқдалар. Йирик пахтакор хўжалик ҳисобланган 1-«Боёвут» совхози пахта тайёрлаш планини энди 4 процент бажарибди. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи бўлимларда пахта чаман бўлиб очилиб ётганига қарамай бу бўлимларда теримчилар кундалик нормаларини бажармаётирлар. Совхоз директори Урузбиев, партия ташкилотининг секретари Хўжаев Ўртоқлар бу аҳволни кўра-била туриб чеккада тамошабин бўлиб қолмоқдалар.

Вазифа—яқин 2-3 кун ичида колхоз ва совхозларнинг барча ишчи кучларини йиғим-теримга тўла сафарбар этишдан иборатдир.

Пахта теримида соатлик графикни қўлланиш меҳнат унумини оширишда яхши натижа берганлиги пахтакорларимизга маълум. Шу усул қўлланилаётган бригада ва звеноларда иш натижаси кувонарли. Бекобод районидаги «Гулистон» колхозининг Ўртоқ Шарофат Умарова бошлиқ бригадасида пахта соатлик график асосида терилаётгани учун бу бригада мусобақада олдинда кетаётир. Аммо Боёвут районидаги Ленин номли колхозда ишни соатлик график асосида ташкил этишга аҳамият берилмаётир. Бу ерда теримчилар пахтани кечқурун ўзлари хирмонга олиб келадилар, колхозчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилмаган. Колхоз раиси Ўртоқ Шокиров йўл қўйилган яна шу камчиликни тугатиш учун ҳеч қандай тадбир кўрмаётир. Оққўрғон районидаги Жданов номли колхозда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари меҳнатнинг ташкил қилишишини мунтазам контроль қилиб туришлари, йиғим-теримда илғорлар методини кенг қўлланишлари, ишни соатлик график асосида олиб бориб пахта тайёрлаш суръатини кескин ошириш учун курашишлари керак.

Пахтакорлар ўртасида маданий-маиший ишларни яхши йўлга қўйиш муҳим вазифаларидир. Бироқ Гулистон, Мирзачўл, Сирдарё районларида дала ишлари қизғин тус олган шу кунларда теримчилар учун иссиқ овқат ташкил этилмаган. Бу соҳада область матлубот жамияти раҳбарлари, заставвал унинг раиси Ўртоқ Аъзамов пахта далаларида умумий овқатланишни кенг ташкил қилишга яқиндан ёрдам бермаётир.

Бу йил катта майдонларда пахта машина билан териб олинади. Кўпгина илғор колхоз ва совхозлар машина билан пахта теришга тайёргарликни тугатдилар. Областда 10 минг гектарлан ортиқ ерлари ғўзага дори сепиб чиқилди. «Малик», 1-«Боёвут» совхозлари, Октябрь районидаги Киров номли колхоз машина билан пахта теришга яқин кунларда киришадилар. Бироқ ҳамма жойда ҳам машина билан пахта теришга тайёргарлик кўнгилдагидек эмас. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область совхозлар трести ва область сельхозснаб ходимлари бир қанча хўжаликларни ғўзанинг баргини сунъий равишда тўкиш учун уларни заҳарли дорилар билан зарур бўлган миқдорда таъминламаётирлар. Район партия комитетлари машина билан пахта теришга тайёргарлик кўришда ва ишни ўтказишда контролликни кучайтиришлари зарур.

Оққўрғон, Ўртасарой, Ўрта Чирчиқ районларидаги баъзи бир колхозларда ҳом пахта терилаётганлиги, бунинг окибатида пахта кабул пунктларидан қайтариб юборилаётганлиги фактлари содир бўлмоқдаки, бунга чек қўйиш керак.

Коммунист ва комсомоллар пахта далаларида ташаббускор бўлишлари, бошқаларга намуна кўрсатишлари лозим. Улар ҳамма вақт ҳосил учун курашнинг ҳал қилувчи участкаларида бўлишлари, колхозчиларни ва совхоз ишчиларини фидокорона меҳнатга илҳомлантиришлари, шундай қилиб умумий юксалишга эришиш учун ҳаракат қилишлари зарур. КПСС нинг XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб пахта далаларида зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилайлик, барча колхоз ва совхозларда пахта териш ва тайёрлаш суръатини кескин оширайлик!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «1958 йил пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлаш даврида кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тўғрисида»ги қарорга қўшимча киритишни лозим топиб **қарор қилдилар:**

Белгиланиб қўйилсинки, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб пахта тайёрлашда энг яхши кўрсаткичларга эришган областлар, Қорақалпоғистон АССР ва районларга кўчма Қизил байроқ беришда пахтани машинада териш планининг бажарилиши ҳисобга олинади.

☆ ☆ ☆

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика Сув хўжалик министрлиги қурилиш ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1958 йил август ойи якунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи «Ўзбекгидрострой» трестига қарашли **Қуйимозор сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси коллективига** берилди. Байроқ «Ферганаводстрой» трестига қарашли 3-қурилиш монтаж конторасидан олиб берилди.

«Ўзбекгидрострой» трестига қарашли Туябўғиз сув-омбори қурилиш-монтаж бошқармаси коллективининг август ойида яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

Республика машина-экскаватор станциялари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун **Сирдарё машина-экскаватор станциясига** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Байроқ Сурхондарё машина-экскаватор станциясидан олиб берилди.

Катта ҳужум арафасида

Биз «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори Ўртоқ Исмоил Иброҳимов билан бу йил машинада пахта териш тўғрисида суҳбатлашиб ўтирар эдик. Директор бироз ўйланиб, тургач гапира бошлади.

— Машина билан пахта теришда илгари йўл қўйган хатоларимизни бу йил тузатмоқчимиз...

— Қанақа хатолар бўлган эди?

— 1953-1954 йилда совхозимизда 2198 тоннадан пахта терилган эди. Мен келган 1956 йилда эса 2632 тонна пахта терилди. Ўтган йили бўлса машина билан бир тонна ҳам пахта терилмади. Мана шу бизнинг энг катта хатомиз-да.

Директор буни ҳақиқатан ҳам катта хато эканлигини, техникадан чекиниш эканлигини исботлаш учун кўп далиллар келтирди. «Малик» совхозида директор бўлиб ишлаган вақтида 80 процент пахта ҳосили машина билан териб олинганлигини, машина билан бир кунда йиллик планнинг 3,5-4 проценти миқдорида пахта териб топширилганини, ҳатто кечаси ҳам машина билан пахта териш ташкил этилганини ҳикоя қила бошлади. Шунингдек, у бир машина 30 та теримчи терадиган пахтани теришини, машина билан пахта терилганда арзон тушишини ва машинанинг афзалликларини бирма-бир санаб кетди.

— Бу йил биз ҳамма майдонларимиз учун ҳозиргача 41 минг меҳнат куни тежадик. Буни пулга чақиб ҳисобланганда 500 минг сўмдан ҳам кўпроқ бўлади. Агар пахта теришда даврида ҳам машинани кенг қўлласак, яна ҳам кўпроқ маблағни тежаб қолишимиз, пахтанинг таннархини анча камайтиришимиз, шу билан бирга пахта териш суръатини тезлаштиришимиз мумкин, — дейди пировардида Ўртоқ Иброҳимов.

Директорнинг бу мулоҳазалари, ҳисоб-китоблари ҳеч шубҳасиз тўғри. Хўш, ҳозир мана шу соҳада совхозда нима ишлар қилинянти? Пахтани машина билан териб олиш учун қандай конкрет чоралар кўрилянти?

Бир вақтлар «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳам пахта териш машинасида ишлаб шуҳрат қозонган кишилар бор эди. Механик-ҳайдовчи Абдувоҳид Муродов 1954 йилда машина билан мавсумда 184 тонна пахта териб, энг юқсак кўрсаткичга эришган эди. Машина билан кўп пахта теришда Ридван Давлетов, Мустафо Чачи, Жаъфар Аджиев сингари кўпгина механик-ҳайдовчилар маҳорат кўрсатишган эди. Ҳозир мана шу кишиларнинг ўз ўринларини эгаллашлари учун нима ишлар қилиняпти?

* * *

Совхоз маркази одатдан ташқари гавжум. Чор атрофдан машиналарнинг гуруллаган овозлари эшитилади. Пешма-пеш ҳали у бўлимдан, ҳали бу бўлимдан пахта териш машиналари, кўрак терадиган машиналар қатор-қатор бўлиб келар ва қайтиб кетарди. Совхознинг устахонаси ундан ҳам серҳаракат. Моторларнинг гуруллагани, темир-терсакларнинг жаранглагани эшитилади. Механизаторлар ўзларига керакли деталларни кўтариб гоҳ ўёққа, гоҳ буёққа шошиб ўтардилар. Ташқаридаги кенг майдонда бўлимлардан келган машиналар саф тортиб турибди. Улар бирма-бир кўздан кечирилмоқда.

— Биз бугун пахта териш машиналарини ремонтдан кейин синаб кўряпмиз, шунинг учун атайлаб бўлимлардан шу ерга келтирдик. Унча-мунча камчилиги бўлса бироз юргандан кейин маълум бўлиб қолади. Ундан кейин механик-ҳайдовчиларимиз қариб икки йилдан бери бу машиналарни ҳайдаб кўрганлари йўқ. Баҳона билан машқ ҳам қилиб оладилар, дейди кулиб бош инженер А. Мастовой.

Совхозда пахта терадиган СХМ-48-М маркали 46 та, СХС-1,2 маркали 10 та машина бор. Буларнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилган. Бу 56 та машинада ишлаш учун 75 механик-ҳайдовчи тайёрланган. 60 киши совхознинг ўзида ташкил этилган 12 кунлик курсда, 15 киши Вревскийдаги механизаторлар мактабида очилган курсда ўқиб келган. Совхозда бу йил 3700 гектар пахта майдонидан 2 минг гектари машина билан теришга ажратилган.

Механик-ҳайдовчилар партиямиз XXI съезди шарафига 60 тоннадан тортиб 90 тоннагача пахта териб бериш мажбуриятини олганлар. Улар орасида машина билан пахта теришда ном чиқарган тажрибали, бу йил Тюшко методида ишлаган Абдувоҳид Муродов, Ридван Давлетов, Мустафо Чачи, Хорхади, Ҳамид Жумаев, Исмоил Куртамет, Мамет Араб ва бошқалар бор.

Совхоз устахонасидан чиқиб далаларни айланган киши у ердаги тайёрлик ишларини яққол кўра олади. 2-бўлимга кетаберишдаги йўлнинг икки томони кенг пахтазор. Ўнг қўл томондаги ерлардаги пахталар чаман бўлиб очилган.

— Мана, дефолициянинг кучини кўринг, қандай яхши, шу ерда дефолиация ўтказилганига 9 кун бўлди. Ғўзанинг 70 процент барги тўкилиш олдида турибди. Яна 2-3 кундан кейин бемалол машина билан пахта терилса бўлади, — дейди бош агроном Измаилов.

Пахтаси машина билан териладиган карталарнинг четларидаги ғўзалар юлиб олинмоқда. Машиналарнинг бемалол айланиши учун жой ҳозирланмоқда. Ўқариқлар бузиб текисланмоқда. Қаерга борсангиз сувалган хирмонларни, асфальтли майдончаларнинг тахт қилиб қўйилганини кўрасиз. Совхоз бўйича бу йил асфальтли майдонларнинг ўзи 39 минг квадрат метрга етказилган.

— Ҳозир қўл билан бор-йўғи аранг 30 тоннага етказиб пахта теріляпти. Бу билан узоққа бориб бўлмайди. Машиналар ишга тушганда, бир кунда 100 тоннадан ошириб пахта тера оламиз, — дейди далаларга назар ташлаб келаётган Ўртоқ Иброҳимов.

Бу гап аниқ. Чунки бутун совхоз коллективининг эътибори шунга қаратилган. Барча механик-ҳайдовчилар шундай катта ҳужумни бошлаш учун шайланиб турибдилар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг чевар теримчиси Ўртоқ Эркиной Жалилова 11 тонна пахта топширган эди. Ҳозир у пахта териш мажбуриятини килограммдан пахта тераётир.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг чевар теримчиси Ўртоқ Эркиной Жалилова 11 тонна пахта топширган эди. Ҳозир у йил камида 12 тонлган. Ҳозир у кунига 110-140 Суратда: Ўртоқ Эркиной Жалилова.
М. Шевелев фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЖУН ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳурашиб йиллик жун тайёрлаш планини муддатидан илгари — 20 сентябрда 105 процент бажардилар. Ўтган йил шу муддатгача бўлганидан 1066 центнер кўп жун тайёрланди.

Жун тайёрлашда Чиноз, Бўстонлиқ, Мирзачўл, Қорасув, Тошкент, Янгийўл, Калинин ва бошқа районларнинг чорвадорлари яхши натижаларга эришдилар.

Жун тайёрлаш давлат планининг муддатидан илгари бажарилишида бир қатор хўжаликларнинг майин ва ярим майин жунли қўйчиликни ривожлантиришлари катта роль ўйнади. «Ташплемсовхоз»нинг чорвадорлари ҳарбир қўйдан 4 килограммдан майин ва ярим майин жун, Паркент районидаги «Коммуна» ва Сталин номли колхознинг чорвадорлари 3 килограммдан жун олишга муваффақ бўлдилар.

9 ойлик план бажарилди

Тошкент Халқ хўжалик кенгаши оғир саноати бошқармасига қарашли саноат корхоналари 9 ойлик давлат планини муддатидан илгари бажардилар. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Олтинтопган комбинати ва бошқа саноат корхоналари берилган топшириқни анча муваффақиятли якунладилар.

Йил бошидан буён пландан ташқари 2200 тонна пўлат, 1000 тоннадан кўпроқ тунука прокатлари, 63 минг тонна кўмир, жуда кўп миқдорда минерал ўғит, рангли металл концентратлари ва бошқа муҳим саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 25 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бекобод	8,79	1,01
Пискент	7,58	0,92
Боёвут	7,31	0,82
Верхне-волинск	6,91	0,91
Гулистон	6,68	0,99
Бўка	6,56	0,90
Бўстонлиқ	6,45	0,75
Оққўрғон	6,24	0,78
Мирзачўл	6,11	1,01
Чиноз	4,91	1,22
Оржоникидзе	4,80	0,69
Сирдарё	4,77	0,71
Урта Чирчиқ	4,70	0,58
Ўртасарой	4,26	0,66
Янгийўл	4,24	0,65
Юқори Чирчиқ	4,19	0,59
Октябрь	3,96	0,55
Қуйи Чирчиқ	2,87	0,51
Калинин	2,03	0,26
Оҳангарон	1,57	0,24

Пахта далаларидан дараклар

БЕКОБОД. Ҳанифа Мирзақулова, Ҳадича Раҳмонова, Мастура Тожибоева, Тўтинисо Алиқулова, Қўшхол Сулаймонқулова Ўртоқлар Дзержинский номли колхозининг кўп минг килограммчи теримчиларидан ҳисобланадилар. Моҳир теримчилар КПСС XXI съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, кунига 110-120 килограммдан пахта тераётирлар.

Навоий номли колхозда ҳам кўп минг килограммчилар ҳаракати тобора қизғин тус олмоқда. Колхоз правлениеси, партия ташкилоти терим ишларининг уюшқоқлик билан ўтказилиши учун барча тадбирларни тўла амалга оширмоқда. Шу туфайли ҳам бу ерда терим юзасидан белгиланган топшириқ ортиғи билан бажарилаётир.

А. Раҳмабов, Н. Шербеков, Р. Хўжақулов, У. Умматов.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Илғор теримчиларнинг яқинда бўлиб ўтган слётида «Ленинобод» колхозининг аъзолари Т. Вахниева, С. Мустафоева, Х. Мирзаалиева Ўртоқлар ҳам кўпчилик қатори мавсумда 15-20 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган эдилар. Яқинда биз шу колхоз далаларида бўлиб, кўп минг килограммчиларнинг иши билан танишдик. Юқорида номлари қайд қилинган Ўртоқлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилаётганликларини кўриб хурсанд бўлдик. Чевар қизлар хирмонга кунига 200-250 килограммдан пахта топшираётирлар.

Карл Маркс номли, Калинин номли колхозларда, «Оққўрғон» совхозининг кўпчилик бригада ва бўлимларида ҳам йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Ҳар бир теримчи белгиланган нормани ортиғи билан бажариш учун курашаётир.

Ф. Болтабоев.

* * *

ЯНГИЙЎЛ. «XIX партсъезд» колхозининг аъзолари сентябрь ойида кўпроқ пахта тайёрлаш учун, суръатни кундан-кунга кучайтираётирлар. Колхознинг Ойхўжа Қўргонов, Турғунбой Алимов, Аҳмад Юсупов Ўртоқлар бошлиқ бригадаларида йиғим-терим ишлари қизғин бормоқда. Бу бригадаларнинг аъзолари дастлабки кунларданоқ ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, мўл ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, гектаридан ўтган йилдагига қараганда бир неча центнерлан ортиқ ҳосил топшириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Ғ. Қўзиев.

* * *

БОЁВУТ. 3- «Боёвут» совхозининг Ўртоқ М. Жўраев бошлиқ бригада ишчилари пахта теримига пухта тайёргарлик билан киришган эдилар. Бу, яхши натижалар бераётир. Бригадада кўп минг килограммчилар ишчилари ўтган йили ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил топширган эдилар. Бу йил эса гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб-териб олишга аҳд қилинган. Бригада ишчиларининг бутун эътибори ана шу аҳднинг удласидан чиқишга қаратилган.

Қ. Сиддиқов.

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ



Суратларда: 1. Сидиқа Хожимуротова — Оққўрғон районидаги Додобоев — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг топшириш учун йиғим-теримни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. кунига 160 килограммга етказиб пахта тераётир. 4. Хурсаной чилар ҳаракатига қўшилиб кундалик топшириқни ортиғи билан Унинг звеноси 42 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан Тельман номли колхоз аъзоси. звено бошлиғи. У бошлиқ звено З. Раҳима Саидамирова — Урта Хушбақова — 1-«Боёвут» совхози бажараётир. 5. Шовқи Латипов— Сирдарё районидаги Охунбобоев пахта топшириш учун курашмоқда.

Сидиқа мавсумда 18 тонна пахта аъзолари 20 гектар ернинг ҳар Чирчиқ районидаги Сталин номли Ўртоқ номли колхоз звено бошлиги. терим учун курашаётир. 2. Ж. гектаридан 40 центнердан ҳосил колхозининг теримчиси. Раҳима Хушбақова кўп минг килограммчилар

О. Косирев, В. Салов, М. Шевелев, М. Устабобоев фотолари.

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир Н. А. Муҳитдиновни қабул қилди

ҚОҲИРА, 24 сентябрь. (ТАСС). Кеча кечқурун Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамал Абдил Носир СССР Олий Совети Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдиновни қабул қилди.

Қабул вақтида Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти маршал Абдил Ҳаким Амир ҳозир бўлди.

Бирлашган Араб Республикасидаги совет элчихонасида қабул маросими

ҚОҲИРА, 24 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдиновнинг Бирлашган Араб Республикасида бўлиши муносабати билан СССРнинг Бирлашган Араб Республикасидаги вақтинча ишлар вакили П. И. Герасимов кеча катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросими ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Н. А. Муҳитдиновнинг Бирлашган Араб Республикасида бўлиши муносабати билан Қоҳирада қабул маросими

ҚОҲИРА, 24 сентябрь. (ТАСС). Кеча кунининг иккинчи ярмида Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти ва ҳарбий министри маршал Абдил Ҳаким Амир Қоҳирада СССР Олий Совети Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий министрининг ўринбосари Фатхи Ризқ, Бирлашган Араб Республикаси Баш штабининг бошлиғи Муҳаммад Иброҳим, Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучларининг генераллари ва офицерлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Н. А. Муҳитдинов ва маршал Амир нутқ сўзладилар.

Маршал Амир ўзининг жавоб нутқида, жумладан, бундай деди:

«Мен Совет Иттифоқида бўлганман ва у ерда кўрганларимни ҳамда олган таассуротларимни унутолмайман. Мен бизга ёрдам берилаётганлигини ва бизга нисбатан самимий дўстлик муносабатларини кўрдим. Биз Совет Иттифоқида бўлган вақтимизда кечирган туйғуларимиз чуқур туйғулардир. Биз мустақиллик учун кураш олиб борган пайтда совет халқининг берган астойдил ёрдами чинакам дўстлик ифодаси бўлди.

1952 йилги революциядан кейин биз кўп кризисларни бошимиздан кечирдик. Бизнинг дўстлардан кўра душманларимиз кўпроқ эди. Лекин Совет Иттифоқи биз бошимиздан кечирган ҳамма кризислар ва машақатлар вақтида ҳам чинакам дўст бўлди, бизнинг мустақиллигимизни ва миллий туйғуларимизни ҳурмат қилувчи дўст бўлди. Шу сабабли биз совет халқи билан дўстлигимизни ғоят қадрлаймиз. Бу дўстлик абадий бўлади, чунки у жуда мустаҳкам негизга асосланган».

Н. А. Муҳитдиновнинг Бирлашган Араб Республикасида бўлиши

ҚОҲИРА, 25 сентябрь, (ТАСС). Президент Гамал Абдил Носирнинг таклифи билан Бирлашган Араб Республикасида меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов кеча Луксорга борди ва қадимги Миср маданиятининг тарихий ёдгорликларини тамоша қилди.

Олий мактаб ходимларининг кенгаши тамом бўлди

24 сентябрда Москвада олий мактаб ходимларининг мамлакатда олий таълим системасини қайта қуриш ва олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш масаласига бағишланган кенгаши тамом бўлди. Кенгаш уч кун давом қилди.

Москва, Ленинград, Киев, Львов, Свердловск ва мамлакатдаги бошқа кўп шаҳарларнинг олимлари ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари СССР Олий таълим министри В. П. Елютиннинг докладини муҳокама қилдилар. Унинг докладида совет олий мактабларининг ишларини қайта қуришнинг конкрет планлари ва асосий шакллари баён қилинган эди. Кенгаш қатнашчилари олий ўқув юртларининг таълим-илмий ишларини ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш мақсадини кўзда тутган бир қанча қизиқарли таклифлар киритдилар. Улар техника, қишлоқ хўжалик, медицина олий ўқув юртларини, шунингдек университетлар ва гуманитар олий ўқув юртларини қайта қуришнинг проектларини тайёрлаётган секцияларнинг ишларида қатнашдилар.

Техника олий ўқув юртларини қайта қуриш масаласини муҳокама қилишда олимлар ва 40 дан ортиқ ўқув юртларининг раҳбарлари қатнашдилар. Улар олий техника мактабларининг ишларини қайта қуришнинг, жумладан, кечки ва сиртқи билим олишни янада такомиллаштириш ва инженер кадрларни илмий-назарий жиҳатдан тайёрлаш даражасини оширишнинг айрим масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш билан шуғулландилар.

Университет ва гуманитар олий ўқув юртлари секциясида билим олишнинг ўқув юртларини битириб чиқувчиларнинг юксак даражада умумий илмий тайёргарлик олишларини таъминлай оладиган шаклларини ривожлантириш проблемалари муҳокама қилинди.

Музокараларда сўзлаганлар шуни таъкидладиларки, университетлар олий ўқув юртлари сифатида бундан буён ҳам юксалиши керак. Улар мамлакат халқ хўжалигини ва маданиятини физика, химия, биология, математика, механика, тарих, философия, экономика ва бошқа бир қанча фанлар бўйича чуқур илмий-назарий тайёргарлик олган мутахассис кадрлар билан таъминлашлари лозим.

Сиртқи ва кечки таълим олиш шакллари, илмий ишларни кенгайтириш ва яхшилаш тўғрисидаги масалалар батафсил ўрганиб чиқилди.

Кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалик, педагогика ва медицина олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш проблемасини муҳокама қилдилар. (ТАСС).

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Машинасоз рационализаторлар

Суратда: (чапдан) завод рационализаторлари ва ихтирочилар жамияти кенгашининг раиси И. Денисенко кенгаш аъзолари Д. Миралимов ва И. Рибко ўртоқлар билан биргаликда янги тушган таклифни муҳокама қилмоқдалар.

В. Панов фотоси.

Ўтган йиллари «Узбексельмаш» заводида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатига етарли эътибор берилмас, янгилик қидирувчи ишчиларнинг фаолияти маъмурият, цех раҳбарлари, инженер-техник ходимлар томонидан ҳар доим ҳам қўллаб қувватланмас, уларга етарлича зарур ёрдам берилмас эди. Рационализатор ва ихтирочиларнинг қимматли таклифлари ўз вақтида кўрилмас ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмаси.

Завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бу аҳволни бундан буён давом этишига чек қўйиш учун ҳар йилнинг бошларида рационализаторлар активи йиғилишини ўтказдилар. Йиғилишда рационализатор ва ихтирочилар билан ишлашдаги камчиликлар очиб ташланди, уни яхшилаш йўллари кўрсатилди. Ҳафтанинг чоршанба куни — рационализаторлар куни деб белгиланди. Шу куни цех ва завод маъмурияти, бўлимларининг раҳбарлари бир ҳафта давомида тушган рационализаторлик таклифларини кўриб чиқадилар, махсус комиссия жанжалли таклифларни муҳокама қилади. Рацёрглар цехларда суҳбатлар ўтказадилар, новаторлар таклифларининг чертёжларини ишлаб чиқиш ва ҳисоблашда уларга ёрдам берадилар. Рационализаторлар кунини мунтазам ўтказиб туриш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шу йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, оғир процессларни механизациялаш ва иш шароитини яхшилашга қаратилган 325 та таклиф тушди, рационализаторлар сафи кенгайиб, 150 кишидан ҳам ошиб кетди. Бу таклифларнинг кўпчилик қисмини ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан заводга жуда катта фойда келтирилди. Рационализаторлар ташаббуси билан амалга оширилган тадбирлар йилига бир миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаш имкониятини беради. Шу вақтга қадар 540 минг сўмлик турли материал, хомашёлар иқтисод қилинди. Ҳар бир пахта селялкасини тайёрлаш учун сарфланадиган иш вақти 37 соат қисқарди, пуркагич-чанглагич механизми ишлаб чиқариш вақти 43 соатга камайтирилди.

Шуниси қувончлики, завод оддий ишчилари инженер-техник ходимлар билан бирга рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида актив иштирок эта бошладилар. Гидропресс машинисти Ю. Дранишников ўзининг унумли ва ҳалол меҳнати билан коллектив орасида катта обрў қозониб келмоқда. У шу билан бирга актив рационализатор сифатида ҳам қимматли таклифлар беради. У моҳир машинист технолог И. Рибко билан бирга ажойиб мослама ихтиро қилди. У турли диаметрдаги трубаларни корборунд диска ёрдами билан кесувчи станок ясади. Бу станокдан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини икки ярим баравар ошириш, трубаларни қирқишда ишлатилиб келинган учта токарлик станокларини бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш имкониятини берди.

СКГ-807 детали темирчилик прессида икки операция давомида ишланарди. Бунинг учун иккита пресс банд эди. Бу детали тайёрлашда ишлаётган кишиларнинг меҳнати унумсиз эди. Слесарь И. Крюков таклифи билан СКГ-807 деталини «АЯКС» типидаги горизонталь-чўзувчи машиналарда ишлана бошланди. Бу меҳнат унумдорлигини 2 баравар ошириб, деталь таннархини анча камайтирди, иккита темирчилик пресс бошқа мақсадлар учун ишлатилабошланди.

Электромонтёр Н. Тараненко, токарь М. Файзиев, мастерлардан А. Урузбоев, Ш. Қосимов, Д. Миралимовлар ва бошқа кўпгина новаторлар ҳам қимматли таклифлар киритдилар.

Рационализаторлар турли деталлар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган металл ва бошқа материалларни иқтисод қилишга ҳам катта ёрдам берадилар. Фақатгина А. Тошпўлатов таклифларини амалга ошириш натижасида ярим йил ичида ўнларча минг сўмлик металл тежаб қолинди.

Завод рационализаторлик ва ихтирочилик бюроси қимматли таклифларни оммалаштириш ишига алоҳида аҳамият беради. Шу мақсадда рационализаторлар фотовитринаси ташкил этилди, техник бюллетенлар чиқарилмоқда. Ҳар бир рационализатор учун шахсий ҳисоб варақаси тутилмоқда, унда ҳар бир новатор томонидан берилган таклифнинг қанчалик фойда берадиганлиги ҳисобга олиб борилади. Ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилиши лозим бўлган «тор» жойларини кўрсатувчи махсус темниклар чиқарилмоқда. Бундан ташқари, шу йилнинг ўтган ойлари ичида энг яхши рационализаторлик таклифи учун икки марта конкурс ўтказилди.

Рационализатор ва ихтирочиларга зарур ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида шу йилнинг 8 ойи ичида тушган таклифларнинг сони ва уларнинг иқтисодий эффекти бутун йил давоми учун белгиланган миқдордан анча ошиб кетди.

К. ФИНАНСОВ.

Болаларимизни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялайлик

Яқинда Ҳамза номли театр биносига Октябрь районининг икки мингга яқин кекса ва ёши тўпланди. Булар орасида атоқли шоирлар, ёзувчилар ва педагоглар, мактаблар ҳузуридаги ота-оналар комитетларининг раислари, ўқитувчилар, бош пионер вожатийлар, партия ва совет, комсомол вакиллари бор эди.

Октябрь район партия комитети ташаббуси билан чақирилган бу йиғилишда КПСС Марказий Комитети Президиумида маъқулланган ўқувчиларнинг меҳнатга муҳаббатини ошириш ҳамда ўқиш-ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш тўғрисида ўртоқ Н. С. Хрушчев илгари сурган қимматли таклиф ва маслаҳатлар муҳоҳаза қилиб кўрилди.

Йиғилиш қатнашчилари район партия комитетининг секретари ўртоқ Ш. Шоисломовнинг сўзини зўр диққат билан тинглаб, сўнгра бирин-кетин ўз мулоҳазаларини гапирдилар.

— Меҳнатнинг қадр-қиймати бизда нақадар юксак, — дейди Коммуна маҳалла комиссиясининг раиси ўртоқ М. Орипов, — пўлат станок ёнида туриб эл бойлигини яратган, ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли кўксини олтин юлдуз билан безаган ажойиб кишиларимиз тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Пахтадан юқори ҳосил олиб, муҳташам бинони тиклаб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлаётганларни ким билмайди дейсиз. Бу шон-шуҳратларнинг барчаси ҳалол меҳнатдан, меҳнатга муҳаббатдандир. Лекин ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев айтганидек, ҳали ота-оналаримиз орасида «ўғлимнинг қўли совуқ сувга тегмасин» дейдиганлар оз эмас. Боланинг қўли ёшликдан ишга қовушса, унинг руҳи тетик, тани соғлом бўлади. Афсуски, мактабларимизда ҳали ҳам ўқиш-ўқитишнинг қолоқ системаси ҳукмрон бўлиб турибди. Мен ўртоқ Хрушчев томонидан илгари сурилган қимматли мулоҳазаларга тўла-тўкис қўшиламан. Негаки, бу мулоҳазалар ҳаётимизнинг шу бугунги талабидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳақида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Президиумита ёзган хатида энг муҳим ҳаётий масалалар ўртага қўйилган. Унда умумий таълим мактабларидаги жиддий нуқсонлар рўй-рост очиб кўрсатилади. Бу ҳақда шоир Ғафур Ғулом ҳаяжон билан гапирди.

— Ҳаммамиз, шу ерда ўтирган ёшлардан тортиб соч-соқоли оқарган мўйсафидларгача одам учун меҳнат нималигини яхши биламиз. Ўртоқ Хрушчев бу ҳақда шундай дейди: «Жамият учун энг муҳим нарса, жамиятнинг ҳаёт-мамоти бўлган нарса унумдор меҳнат эканлигини, чунки шундай меҳнатгина моддий бойликларни яратиб бераётганлигини ёшларнинг миясига муттасил қуйиб бориш керак. Меҳнат ҳар бир совет кишиси учун ҳаётий эҳтиёждир». Бу сўзларнинг маъноси чуқур, ўртоқлар. Болаларимизни фойдали меҳнатга ўргатайлик. Мен 90-ўрта мактабнинг ота-оналар комитети раисиман. Шу 1958/59 ўқув йилида мактабимизнинг ремонт ишларини ўқувчиларимизнинг ўзлари удда қилдилар.

Шундан сўнг Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори ўртоқ З. Абдуллаев сўзга чиқади.

— Мактабларимизда ўқиш-ўқитиш ишлари системасининг эскириб қолганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, — дейди ўртоқ Абдуллаев.—Ростдан ҳам бизлар сўнгги вақтларда болаларимизга ижтимоий-жисмоний меҳнат тўғрисида нотўғри тасаввур бериб келганмиз, бунга тан берайлик. Фабрикада ёки колхозда, саноат корхонасида, совхозда, МТСда, РТСда ёки муассасада қилинаётган ҳар қандай меҳнат, жамият учун фойдали, ҳалол меҳнат муқаддас меҳнатдир ва жамият ноз-нематларидан фойдаланаётган ҳамда шу ноз-неъматлар билан яшаётган ҳар бир киши учун зарур меҳнатдир. Партия бизга ана шундай деб ўргатади. Мен, комбинат коллективи ва партия ташкилоти номидан ўз болаларингизни корхонамиз қучоғига узатинг, улар учун даргоҳимиз кенг, дейман. Комбинат ҳузурида тўқимачилик саноати кадрлари етиштирадиган турли хил ишчи мактаблари кўп.

Бу йиғилиш шу ерда ҳозир бўлганларда жуда катта таассурот қолдирди.

А. АБДУАЗИМОВ.

Ўқувчилар касб эгалламоқдалар

Янги ўқув йилининг биринчи кунлариданоқ мактабларда политехник таълим ва турли хил тўгараклар машғулоти бошланиб кетди.

Мана, Фрунзе районидаги 144-мактаб биноси. Бино политехник таълимни тўла жорий қилишга мослаб қурилган. Бино олдидаги аллеяларда хушбўй, рангба-ранг гуллар яшнаб турибди. Бу гулларни «Ёш гулчилар» тўгарагининг аъзолари, 5-7 синф ўқувчилари парвариш қиладилар.

Синфларда дарс давом этаётир. Дурадгорлик, слесарлик устахоналарида эса машғулотлар ўтказилмоқда. Мана, дурадгорлик устахонаси. Бу ерда ёш дурадгорлар мактабда қурилаётган теплица учун эшик, ром ясаётирлар. Слесарлик устахонасида бўлса, мактабни ўз оталигита олган «Таштекстильмаш» заводи коллективи томонидан тақдим қилинган 4 станок ва мактаб томонидан сотиб олинган 2 станок ўрнатилган. Бу станокларни бошқараётган ўқувчилар турли деталлар тайёрламоқдалар.

— Сўнгги кунларда ўқувчиларимиз заводнинг топшириғи билан кўплаб болта ва ўлчов асбоблари тайёрлаб бердилар, — дейди ўқитувчи слесарь А. И. Гордеев.

Бундан ташқари ҳафтанинг шанба кунлари 8—9- синф ўқувчилари заводга бориб, ремонт ва йиғувчи-слесарлик мутахассислиги бўйича машғулот ўтказадилар. Ўқувчиларга 6- йиғув цехининг технологи Ўртоқ Калимин катта ёрдам кўрсатмоқда. Алимуҳамедов, Қосимов, Мўминжонов каби 9- синф ўқувчилари ҳозир йиғувчи-слесарлик касбининг эгалари. Яқинда улар 4 разрядли слесарь бўлдилар.

Шунингдек мактабда ёш киномеханиклар, чевар қўллар, фото, радио каби тўгаракларда ҳам машғулотлар қизғин давом этмоқда.

С. ТИЛЛАХЎЖАЕВ.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Трикотаж саноатимиз юксалишда

Меҳнат унумдорлиги — социалистик экономикамизнинг барқ уриб юксалиши учун энг асосий, энг муҳим шартдир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати улуғ доҳимизнинг ана шу кўрсатмасини изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Шу туфайли ҳам мамлакатимиз тарихан жуда қисқа муддат ичида кучли индустриал мамлакатга айланди.

Партия Марказий Комитети социалистик тузумнинг афзалликлари ҳамда совет халқининг беш йилликлар мобайнида қўлга киритган ғоят катта муваффақиятларига таяниб, мамлакатимиз меҳнаткашлари олдига янги вазифа — яқин йиллар ичида аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишдек жуда катта вазифани қўйди. СССРнинг ана шу асосий иқтисодий вазифасини ҳал қилишда меҳнат унумдорлиги жуда катта роль ўйнайди.

Маълумки, халқ хўжалигида, жумладан саноатда меҳнат унумдорлигини оширишнинг жуда кўп ва хилма-хил йўллари бор. Бунда янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш ҳамда оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган иш процессларини комплекс механизациялаш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш процессларини изчиллик билан механизацияламасдан туриб, янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилмасдан туриб, социалистик саноатимизни муттасил ривожлантира олмаймиз.

Мамлакатимиз саноати айниқса урушдан кейинги йилларда тез суръатлар билан юксалмоқда. КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан сўнг мамлакатимизда техникани янада тараққий эттириш учун бошланган кураш чинакамига умумхалқ курашига айланиб кетди. Партиямизнинг бу соҳада олиб бораётган сиёсати ҳозирнинг ўзидаёқ жуда катта самараларни берди. Буни, лоақал мамлакатимиз трикотаж саноати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ватанимиз трикотаж саноати асосан беш йилликлар даврида вужудга келтирилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари чор Россиясида ҳаммаси бўлиб 22 та трикотаж фабрикаси бор эди. Бу корхоналарда бор-йўғи 3 мингга яқин киши ишларди. Фабрикалар ярим ертўлаларга жойлашган бўлиб, ғоят ибтидоий машиналар билан ускуналанган эди. Фабрикаларда маҳсулот ассортименти жуда чекланганди. Капиталистлар кўпроқ фойда олиш иштиёқида мавжуд асбоб-ускуналар ҳамда ишчи кучларидан вахшийларча фойдаланардилар. Лекин шунга қарамай, тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларининг миқдори жуда оз эди. Жумладан, 1913 йилда чор Россиясидаги ҳамма трикотаж фабрикалари 15 миллион жуфт пайпоқ, 1,5 миллион дона ички кийим, 250 мингта устки трикотаж маҳсулотлари тайёрлаган эди.

Октябрь революциясидан кейин саноатнинг бу соҳаси бутунлай қайтадан ташкил этилди, фабрикалар замонавий асбоб-ускуналар билан қуроллантирилди, ишчиларнинг малакасини ошириш соҳасида жуда катта тадбирлар амалга оширилди. Ана шулар натижасида Совет ҳокимияти йилларида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мисли кўрилмаган даражада кўпайди. Буни қуйидаги рақамлардан яққол кўриш бўлади. Масалан, агарда революциядан илгари 22 фабрикада 3 мингга яқин ишчи ҳаммаси бўлиб 250 минг дона устки трикотаж ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирги кунда биргина Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасида 1,5 минг киши ишлаб чиқармоқда ва у йилига 200 минг дона устки трикотаж тайёрламоқда. Ҳозир фабрикамиз коллективи йилига 2,5 миллион донага етказиб ички кийимлар ишлаб чиқармоқда. Халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи беш йиллик планида СССРда трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни илгариги йилларга нисбатан кескин кўпайтириш белгиланган. Жумладан 1960 йилга бориб мамлакатимиз трикотаж саноати 1955 йилдагига нисбатан ички кийимларни 150 миллион дона кўп ишлаб чиқаради. Трикотаж буюмларнинг бошқа турлари ҳам кескин кўпайтирилади. Масалан, устки трикотаж ҳамда пайпоқ ишлаб чиқариш олтинчи беш йилликнинг охирига бориб 40 процент ошади. Бунга даставвал меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш мумкин. Шу сабабли ҳам партия XX съездининг Директиваларида трикотаж саноатида меҳнат унумдорлигини беш йиллик давомида 42 процент ошириш белгиланган.

Партия ва ҳукумат томонидан қўйилаётган ана шу вазифаларни бажариш ва меҳнаткашларни трикотаж маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун аввало, ҳамма ерда янги техникани кенг жорий қилиш билан бирга, мавжуд ишлаб турган асбоб-ускуналарни модернизациялаш ишлаб чиқаришни ва меҳнатни пухта ташкил этиш, технология процессини такомиллаштириш талаб этилади. Бу соҳада мамлакатимиз трикотаж саноатининг ходимлари илмий-текшириш муассасаларининг коллективлари билан ҳамкорликда ижодий иш олиб бориб, жуда яхши натижаларни кўзга киритдилар.

1959-1965 йилларда трикотаж саноатида ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришга айниқса катта эътибор берилади. Корхоналардаги эскирган асбоб-ускуналар ҳозирги замоннинг энг янги ва юқори унумли машина ҳамда механизмлари билан алмаштирилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ошириш, иш шароити ва иш маданиятини янада яхшилаш, маҳсулот таннархини камайтириб, унинг сифатини ошириш имконини беради.

Ленинграддаги «Вулкан» машинасозлик заводининг коллективи илмий ходимлар билан биргаликда МСГП-22 маркали янги ички кийимлар учун трикотаж-газмол тайёрлайдиган машиналар ишлаб чиқармоқда. Ҳозирги кунда трикотаж фабрикаларидаги эски машиналар ўрнига, ана шундай янги машиналар ўрнатилмоқда. Бу машинанинг афзаллиги шундаки, у эски машиналарга қараганда кам ишлаб чиқариш майдонини эгаллайди, лекин унинг меҳнат унумдорлиги эски машиналарга қараганда 10-12 баравар ортиқдир. Иш процессида бирорта ип узилса, машинани махсус автомат тўхтатади. Ҳар бир станокда ана шундай мосламанинг бўлиши бир ишчининг бир қанча машиналарни бошқариш имкониятини туғдиради, маҳсулот сифатини яхшилайди. Бизнинг фабрика ҳам келаси йили ана шундай машинадан 5 тасини олади, у 20 та эски машинанинг иш унумини беради.

Яқин кунларгача сунъий ипакдан тайёрланадиган трикотаж-газмол минутига 250-300 оборот берадиган машиналарда ишлаб чиқарилар эди. Бунда бир ишчи бутун смена давомида 10-12 килограммдан ортиқ маҳсулот тайёрлай олмас эди. Бу йил фабрика цехларига минутига 800 оборот берадиган янги машиналар ўрнатилди. 1959 йилда фабрика ана шундай машиналардан яна 15 тасини олади. Тахминий ҳисобларга қараганда бу машиналарни ўрнатиш натижасида меҳнат унумдорлиги 2,5 марта ошади ва тайёрланаётган маҳсулот таннархи сезиларли даражада камаяди. Корхона ана шу машиналар туфайли биргина маҳсулот таннархини камайтиришдан йилига 350 минг сўм фойда кўради.

Фабрикани қайта ускуналаш ўз навбатида бизга маҳсулотнинг янгиянги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради. Жумладан, биз келаси йилдан бошлаб эркаклар ва хотин-қизлар ички кийимларининг янги хилларини тайёрлашни мўлжалламоқдамиз. Корхонада устки трикотаж маҳсулотлари тайёрлайдиган асбоб-ускуналар ҳам янгилари билан, юқори унум билан ишлайдиганлари билан алмаштирилмоқда. Ана шулар туфайли коллективимиз Ўзбекистонда биринчи бўлиб хотин-қизларнинг миллий рўмоллари — гижим рўмоллар тайёрлашни ўзлаштирди. Келаси йили бу машиналарнинг парки янада кенгайтирилади.

Яқин йиллар мобайнида корхонада тайёрланаётган маҳсулот ассортиментини янада кенгайтириш, жумладан, ярим ип, ярим жун ҳамда синтетик толадан тайёрланадиган эркаклар ва хотин-қизларнинг устки трикотаж кийимлари ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдамиз. Синтетик толадан фойдаланиш — тайёрланаётган маҳсулотнинг чидамлилигини оширади, унинг сифатини ҳамда ташқи кўринишини яхшилайди. Шунингдек, капрон пайпоқ тайёрлайдиган участкаларга ҳам янги ускуналар ўрнатиш ва шу йўл билан меҳнат унумдорлигини ками билан 15-20 процент оширишни мўлжалламоқдамиз.

Трикотаж саноатида маҳсулот тайёрлашнинг охирги стадияси — бўяш ва оҳарлаш жуда катта роль ўйнайди. Кейинги йилларда бу соҳада совет олимлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ишлаб чиқариш режими ва технология процессларини тобора такомиллаштирилмоқда, янги хил машиналар жорий этилмоқда. Айни вақтнинг ўзида трикотаж-газмолни оҳарлаш ҳамда бўяш технологиясининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши бу соҳада кейинги йилларда қўлга киритилган жиддий ютуқлардан биридир. Ана шу янги усулнинг жорий этилиши муносабати билан маҳсулотни бўяш цикли икки баравар қисқарди. Фабрикамизнинг бўяш-оҳарлаш цехига ҳам кейингивақтларда иш унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган янги аппарат ва агрегатлар ўрнатилди. Жумладан, пайпоқларни қуритадиган автомат ишчиларимизнинг меҳнатини ғоят енгиллаштирди.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ишлаб чиқариш илғорлари, ихтирочи ва рационализаторлар меҳнат унумдорлигини оширишда, оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган иш процессларини механизациялашда, ишлаб чиқаришни тагин ҳам такомиллаштиришда бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Рационализаторлардан Раҳматов, Зотов, Арутюнов, Шообидов ва бошқа жуда кўп ўртоқлар корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда чинакамига ижодий ташаббус намуналарини кўрсатдилар. Бўяш цехининг старший мастери ўртоқ Раҳматов цехдаги қўл кучи ёрдами билан қилинадиган ишларни механизациялаш, агрегат ва механизмлар ишини тагин ҳам такомиллаштириш, иш шароитини яхшилашга қаратилган бир қанча қимматли таклифларнинг авторидир. Фабрика бўйича ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан тушган таклифларни амалга ошириш йилига давлатнинг 750 минг сўм маблағини тежаб қолишга имкон беради. Янгилик изловчилар — рационализаторларнинг куч ва ғайрати билан биз айрим машиналарнинг, чунончи гардин машиналарининг конструкциясига жиддий ўзгартишлар киритдик. Жумладан, гардин машиналарининг обороти минутига 104 дан 140 га етказилди, натижада меҳнат унумдорлиги қариб 40 процент ошди.

Тикув цехида ҳам новаторларимизнинг кучи билан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, мавжуд конвейерлар қайта ускуналанди, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш яхшиланди.

Тошкент трикотажчилари бутун совет халқи билан бир қаторда жонажон партиямизнинг XXI съезди чақирилиши ҳақидаги хушхабарни ғоят кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Кўп қатори бизнинг коллектив ҳам ана шу шонли кунни ишлаб чиқаришда муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилди. Биз ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, маҳсулот тайёрлашни янада кўпайтириш мақсадида бир қатор тадбирларни белгиладик. Масалан, тўр пардаларни ўлчайдиган ҳамда тахлайдиган махсус машинани тайёрлаш ва ўрнатиш, яримфабрикат ва хомашёларни етказиб беришни янада механизациялаш ва шу йўл билан иш шароитини яхшилаш ҳамда коллективнинг меҳнат унумдорлигини оширишни мўлжалламоқдамиз. Корхонада оғир ишларни механизациялаш бўйича махсус конструкторлик бюроси ташкил этилган. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш ишларига ана шу бюро ходимлари раҳбарлик қилмоқдалар.

Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш қандай натижалар бераётганлигини коллективимизнинг ҳар бир аъзоси кўриб ва сезиб турибди. Шу сабабли Тошкент трикотажчилари технология процессларини такомиллаштириш, янги техника ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини жорий қилиш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш каби масалаларга бундан кейин ҳам алоҳида эътибор берадилар.

И. АВЦИН,

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг бош инженери.

Тошкентдаги экскаватор заводининг коллективи яқинда Э-352 маркали мингинчи экскаваторни ишлаб чиқарди. Суратда: илғор йиғувчилар (чапдан) слесарлар К. Шадрин, Н. Маркелов, пармалавчи А. Фролов, запас қисмлар омбори мудири Л. Марқоха, машинист А. Бабушкин, назоратчи мастер Р. Нагуманов, слесарлар — Э. Белинзон, В. Медведев, М. Мирзаҳмедов, йиғувчи-слесарь Б. Тен, тайёрлаш мастери М. Кулагин ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

„Таштекстильмаш“ заводи маркаси билан

Яқинда пойтахтимиздаги «Таштекстильмаш» заводига хушхабар келди: Йигирув ускуналари бўйича махсус конструкторлик бюроси ва завод коллективи томонидан яратилган РТП-192-2 маркали ровничний машина учун Бутуниттифоқ саноат виставкасининг иккинчи даражали дипломи берилябди.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ўз корхоналарида ишлаб чиқарилган машиналар Дамашқ, Измир, Бомбай, Жакарта, Осака ва Лейпциг шаҳарларида ташкил этилган виставкаларда муваффақиятли намойиш қилингани билан фахрланадилар. Ҳозир П-66-5 маркали йигирув машинаси Брюсселдаги Халқаро виставкада кўрикдан ўтмоқда.

Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг мутахассислари бу заводда ишлаб чиқарилган йигирув, ровничний ва пишитиш машиналарига юқори баҳо бермоқдалар. Бу машиналар юқори сифатли бўлиши билан бирга, фойдаланиш учун ҳам қулайдир. Чет эл мамлакатларидан заводга келаётган заказлар шундан далолат беради. Ҳозир 200 тага яқин ровничний ва йигирув машиналари Чехословакияга юборилди.

«Таштекстильмаш» заводининг меҳнатсевар коллективи ҳамма заказларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш учун курашмоқда.

Л. БЛИНДЕР.

Қисқа сатрларда

✦ **Олмалиқ.** Шаҳардаги 21-кварталда қурилаётган кўп хонадан иборат 3 қаватли уй-жой биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бу янги уйга Олтинтопган комбинатида ишловчи 27 киши ўз оиласи билан кўчиб кирди.

Б. Тожибоев.

✦ **Паркент.** Районда янги етти йиллик мактаб ташкил этилди. Бу мактабга Н. Крупская номи қўйилди. «Коммуна» колхози территориясидаги мазкур янги мактаб зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ҳозир мактабда 113 бола ўқимоқда.

С. Холназаров.

✦ **Верхне-волинск.** «Қизил Октябрь» колхозида 1000 хонадонни ёритишга мўлжалланган янги электр станцияси қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозир чойхона, клуб, магазин ва чорвачилик биноларида ҳамда 300 колхозчи хонадонида Ильич нурлари порлаб турибди. Колхозда хонадонларга электр тушириш давом этмоқда.

М. Умматов.

✦ **Чиноз.** Райондаги «Коммунизм» колхозида 20 оила учун уй-жой биноси, 300 кишилик қишки кинотеатр ва тракторлар учун гараж қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Оржоникидзе номли колхозда суткасига 1 тонна ун тортадиган ва 2,5 тоннагача шоли оқлайдиган электр тегирмон қурилиб ишга туширилди.

К. Довурбоев.

Редакцияга жавоб қиладилар

Тўғри талаб

Янгийўл шаҳар меҳнаткашларидан редакцияга келган хатлардан бирида шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш ишига эътибор бермаётганлиги танқид қилинган эди.

Текшириш ва чора кўриш учун Янгийўл шаҳар ижрокомига юборилган бу хабарга редакция қуйидаги жавобни олди:

«Хабарда келтирилган фактлар тўғри топилди ва бу масала шаҳар ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилиниб, 1958-1959 йилларда шаҳарни ободонлаштириш плани тасдиқланди. Ҳозир шу план асосида амалий ишлар бошлаб юборилди. Коммунал хўжалик бўлими саноат корхоналари ҳамда шаҳар аҳолисининг иштироки билан ариқларга ғишт териш ва цементлаш, тротуарларга асфальт, йўлларга тош ва гудрон ётқизиш ишларини ўтказмоқда.

Х. МИРАЗИМОВА,
Янгийўл шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари».

„Гарт тегмаган раис“

Газетамизнинг шу йил 3 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли колхоз раиси Шохмаметовнинг қишлоқ хўжалик артели Уставини бузаётгани ва колхоз ишларига раҳбарлик қилишни ўз ҳолига ташлаб қўйгани ҳақида танқидий мақола босилган эди.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ Иброҳимовнинг редакцияга хабар қилишича, мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Колхоз правлениесининг фаолияти чуқур текширилиб, Узбекистон КП район комитети бюросида муҳокама қилинган.

Ўртоқ Шохмаметовга колхоз ишларига юзаки раҳбарлик қилгани, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузгани учун партия жазоси берилган.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Ҳозирги замон Эрон ва Афғонистон адабиёти

Чойбилжабин ЛХАМСУРЭН

(Мўғул шоири)

Горький барҳаёт

Энди Горький анча ёшга
борган чоқ,
Юз ажину, ёш кўринар у
бироқ.
Ҳар хонага кирар, яшар биз
билан
Эсдаликка бериб ўз
томларидан.
Санъаткорга ҳамкор,
Илғор сафда бор,
Ҳақ иш учун жон беришга ҳам
тайёр.
Унга элнинг қалби туташ, ўлим
ёт,
У Пушкиндай, Толстойдай
барҳаёт.
У жаҳонда кундек ёрқин
порлайди,
Юксак ғоя, ғолиб кучга
чорлайди.
Халқлар ҳурлик куйчисини
хотирлар,
Ишин давом этдиражак ботир-
лар.
Ўз асарин қаҳрамони сингари,
Бизни мардлик, шонга элтиб
илгари,
Данко каби йўлимизга сочди
нур,
Данко каби жангга кирдик
неча қур.
Ҳиндлар билан суҳбат қурар
далада,
Ўқир мўғул чўпонга шу
паллада.
Негр куйчига гуллар тутар
шод, ҳуррам,
Хитой ўғли учун йўллар салом
ҳам.
Юртда лочин қўшнигини куйлар
соз,
Бўрон қуши каби этар у
парвоз.
Бизга ҳамдам шонли кураш
йўлида,
Унинг сўзи содиқ дўстлар
қўнглида.
Горькийимиз тинчлик учун
курашар,
Элда нодир ижодидек кўп
яшар.
Эрксеварлик, содиқлиги билан
у,
Оддий халқлар юрагига жо
мангу.

Нозим ҲИКМАТ

(Турк шоири).

Кичкина мурда

Очинг, бу мен ҳар дарбозани
Тақиллатиб қўллари толган
Кўринмайман кўзларингизга,
Ўлганларни ким кўра олган.
Хиросимда бўлгандим нобуд.
Шундан бери ўтди кўп йиллар.
Етти ёшда эдим у пайт ҳам
Ўлган ўсмас, ҳамма ҳам билар.
Сочларимни куйдирди олов,
Сўнг олайди кўзларим бирдан,
Сиқим кулга айландим дарров,
Олиб кетди ел ўзи билан.
Менга керак эмас, нон, гурунч
Дўстлар учун сўрайман фақат,
Фақат ўтда хазон сингари —
Куйган бола тота олмас қанд.
Энди ҳеч ким ёнмасин ўтда,
Қанд еолсин бола бемалол.
Шунинг учун тирик инсонлар,
Дадил имзо чекингиз дарҳол!

Русчадан Қудрат ҲИКМАТ таржималари.

Ҳозирги замон Эрон ва Афғонистон адабиёти ва ижодиёти ҳақида гапирганда, биринчидан, Эрон ва Афғонистон ёзувчилари ва шоирлари ўтмиш адабиётининг энг яхши традицияларига суяниб, ўз мамлакатларининг миллий мустақиллиги ва бутун дунёда тинчлик учун кураш байроғини баланд кўтармоқдалар. Шарқ мамлакатлари ҳозирги замон адабиётининг характерли хусусияти ҳам шундадир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Эрон ёзувчилари чет эл империализми ва ички реакцияга қарши қатъий курашиб, ўз адабиётларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришдилар. Революцион дунёқараш билан қуроллангган кўпгина қаламкашлар социал муносабатларнинг асл моҳиятига чуқур кириб бордилар. Бу эса уларга эксплуататор синфларни шафқатсиз фош қилиш ва эзувчиларга қарши курашувчи келажак эгалари образини ёрқин кўрсатиш имконини берди.

Кўзга кўринган ёзувчи ва шоирлардан Саид Нафисий, Содиқ Ҳидоят, Бозорг Алавий, Эҳсон Табарий, Аҳмад Содиқ, Қаҳрамон, Афрошта ва бошқалар мамлакатнинг миллий кураш темасига бағишланган кўпгина бадиий асарлар яратганлар.

Бозорг Алавий Эроннинг кўзга кўринган жамоат арбоби, Жаҳон Тинчлик Советининг аъзоси. 1953 йилда у «Тинчлик олтин медали»ни олишга муваффақ бўлган. Унинг сиёсий маҳбуслар ҳақидаги «Эллик учинчи» повести, «Ҳатлар» номли ҳикоялар тўплами, «Унинг кўзлари билан» романи ва бошқа асарлари оддий кишиларга муҳаббат, уларнинг орзу ва умидларининг рўёбга чиқишига чуқур ишонч руҳи билан суғорилган. Бу асарларда эзувчиларнинг разил ва икки юзламачилиги бадиий лавҳалар билан фош этилади.

Ёш, талантли ёзувчи Аҳмад Содиқ «Кабутари сулҳ» («Тинчлик кантари») номли журналга 3 йил редакторлик қилган. Ёзувчининг «Ёпиқ мажлис», «Ўн тўртинчи кўл», «Уни мен ўзим кўрдим» ва бошқа асарларида Эрон меҳнаткашларининг империалистлар ва уларнинг малайларига қарши олиб борган кураши темасига бағишланган.

Эроннинг илғор шоирлари ўзларининг ёрқин шеърларида миллий-демократик ҳаракатнинг зарур ва актуал проблемаларини кўтариб чиққанлар. Улар бадиий воситалар билан кенг халқ оммасининг демократик ҳуқуқлари ва миллий мустақиллик учун курашини улуғлайдилар; эзувчиларга қарши курашда ишчилар билан деҳқонлар иттифоқи зарурлигини уқтирадилар; интернационал биродарлик ва ҳамкорликни қизғин ёқлайдилар. Шунингдек, совет халқи ва унинг шавкатли армиясига бағишланган шеърларда самимий муҳаббат туйғулари оташин сатрларда мадҳ этилган.

Эрон поэзиясида америка-инглиз империалистларига нафрат тошлари ёғдириш ва ҳоким синфларни фош этиш орқали кенг халқ оммасига қашшоқликнинг аслида қаердан келиб чиқиши кўрсатилади.

Шоира Жола «Тинчлик овози» сарлавҳали ажойиб шеърида АҚШ раҳбарларининг Хитойдаги авантюраси барбод бўлаётганлиги ва яқин келажакда америкали уруш ловини ёқувчилар узил-кесил мағлубиятга учрашини таъкидлайди.

Прогрессив ёзувчи Эҳсон Табарий ўзининг «Тинчлик мурожаати» сарлавҳали шеърида мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари эндиликда ўз кучларига ва ғалабага қаттиқ ишонаётганлари, улар тинчлик ва демократия учун, уруш ловини ёқувчиларга қарши курашга борган сари актив қатнашаётганликлари ҳақида ёзади.

Америка ва инглиз мустамлакачиларига ва уларнинг мамлакатдаги малайларига қарши кураш олиб бораётган эрон халқи ғалаба қозонишига ишонади. Бу ишонч тинчлик учун, миллий мустақиллик ва демократия учун курашнинг олдинги сафларида бораётган прогрессив эрон шоирларининг шеърларида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳозирги замон Афғонистон адабиёти ҳақида гапирганда, даставвал афғон халқининг озодлик ва миллий мустақиллик учун душманларга қарши асрлар давомида қаҳрамонона курашганини таъкидлаб кўрсатиш зарур. 1919 йилда инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борилган кўп йиллик урушда афғон халқи озодликка эришди ва ўзининг бекилмас иродасини ва ўз мамлакати миллий мустақиллигининг жанговар ҳимоячиси эканлигини кўрсатди. Узоқ давом этган уруш афғон адабиётида ҳам акс этмасдан иложи йўқ эди. Миллий мустақиллик учун кураш даврида поэзия ва фольклорнинг ривожланишини кўрамиз. Бу даврдаги асарлар орасида ор-номус, озодлик ва мустақиллик учун курашни улуғловчи жанговарлик ва қаҳрамонлик қўшиқлари кўп учрайди.

Миллий мустақилликка эришилгач, Афғонистон учун иқтисодий ва маданий тараққиётнинг катта имкониятлари яратилди. Янги тарихий шароитда Афғонистон адабий ҳаётида ҳам олга қараб силжиш юз беради. Аммо шуни айтиш керакки, Афғонистон адабий ҳаётидаги бурилиш асосан иккинчи жаҳон урушидан сўнг содир бўлди. Герман фашизми ва япон милитаристлари устидан совет қўшинларининг қозонган ғалабаси, Яқин ва Ўрта Шарқда кенг халқ оммаси миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиши Афғонистон адабиётига катта таъсир кўрсатди.

Урушдан сўнгги даврда Афғонистонда атрофдаги ҳаётга диққат билан қаровчи, кенг жамоатчиликни қизиқтирайтган масалалар ҳақида асар ёзувчи шоир ва ёзувчиларнинг янги группаси пайдо бўлди.

Афғонистоннинг кўзга кўринган ёзувчиси Бенаво «Қобил» номли журналда бундай деб ёзган эди: «Бизнинг асримизда фақат интим ҳиссиётларнигина ёзиш билан чекланиб бўлмайди. Ўз халқинг ва жамиятингнинг аҳволига эътибор бериш зарур».

Абдурауф Бенаво ўзининг «Вақтим йўқ», «Бахтсиз қиз», «Ғам-аламли фикрлар» ва бошқа асарларида амалдорлар ишлайдиган идоралардаги бекорчиларни шафқатсиз фош этади, ҳаётдаги ёвузлик сарқитларини танқид қилиб, афғон жамоатчилигини прогрессга чақиради.

Машҳур ёзувчи Таракининг «Қуритилган мол гўшти» ва «Хизмат шундай бўлади» сарлавҳали очеркларида қулоқлар ва помешчиклар томонидан икки деҳқон оиласи бошига солинган кулфатлар, фожиали тақдир тўғрисида ҳикоя қилади. Ёзувчининг бу икки асари ўз мазмуни билан ҳозирги замон Афғонистон адабиётида ажойиб янгиликдир.

Афғонистоннинг вақтли матбуоти саҳифаларида ҳикоя, повесть ва шеърларни кўп учратиш мумкин. Ҳозирги замоннинг социал-моддий темаларига бағишланган бу асарларда афғон аҳолиси турли табақаларининг ҳаёти ва меҳнати тасвирланади, турмушдаги ҳар қандай камчилик ва жаҳолат ўткир сатира остига олинади. Айрим асарларда эса маърифат ва прогрессга чақириш ғояси олга сурилади.

Афғонистон шоирларининг шеърлари орасида тинчликка ва меҳнаткаш халқни озодликка чақирувчи асарларни ҳам учратамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, шоир Парҳизнинг баҳор, бойлар, маъшуқлар, деҳқон ва халққа бағишланган циклли шеърлари диққатга сазовордир.

Афғонистон жамоатчилиги Решгин, Ҳадим, Бенаво, Решгин, Мажруҳ, Тараки, Улфат, Аюбий, Решан каби ва бошқа шоир ҳамда ёзувчиларнинг ижодига зўр қизиқиш билан қарайдилар.

Афғонистоннинг энг яхши шоир ва ёзувчилари Афғонистон Фанлар академияси — «Пашто-Толина» ҳузуридаги «Анжумани адабий» номли адабий жамиятга уюшганлар.

1943 йилдан бошлаб Афғонистонда энг яхши адабий асарлар учун рағбатлантирувчи мукофот бериш белгиланган. Шоир ва ёзувчилар вақтли матбуотга ва айниқса Афғонистон академиясининг органи бўлган адабий-ижтимоий журнал «Қобил»га актив қатнашиб турадилар. Ана шу журнал ва бошқа вақтли матбуотлар саҳифасида Афғонистон ёзувчиларининг Совет Иттифоқидаги маданий ва адабий ҳаёт тўғрисидаги мақолалари, шунингдек рус классик ва совет ёзувчиларининг афғон тилига таржима қилинган айрим асарлари босилиб туради. Масалан, ёзувчи Азизул Раҳмон Фатхий Лев Толстой, Достоевский, Чехов ва Горькийнинг айрим асарларини афғон тилига таржима қилган.

Шундай қилиб, биз афғон ёзувчиларининг урушдан кейинги асарларида миллат ҳаётининг энг муҳим талаб ва эҳтиёжлари тобора кўпроқ акс эттирилганлигини кўрамиз. Шубҳа йўқки, Афғонистоннинг ҳозирги замон шоирлари ва ёзувчилари яқин йиллар мобайнида ярксевар афғон халқига муносиб йирик бадиий асарлар яратадилар.

З. РИЗАЕВ.

Брюссель виставкаси хотиралари

АНТВЕРПЕН ПОРТИДАГИ СУҲБАТ

Журналист блокнотидан

Биз Антверпенга келиб тушган куни ҳаво очиқ эди. Қуёш эрталабданоқ гўё бизни кутиб олаётгандай заррин нурларини қиргоқларга соча бошлади. Ҳаммаёқ яшнаб кетди. Теплоход радиоузели 6 сентябрь кунининг программасини, соат 9 да эса виставкага жўнаб кетишимизни хабар қилди.

Теплоходда нонушта қилиб бўлгандан сўнг порт майдонига тушдик. Брюсселдаги жаҳон виставкасининг вакиллари, виставкадаги совет павильонининг хизматчилари бизни самимий кутиб олишди.

Виставкага жўнаб кетиш олдидан группамиз раҳбари Григорий Михайлович Одиянс Бельгия ҳақида қисқача суҳбат ўтказди, бизни Бельгиянинг экономикаси, йирик шаҳарлари, тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар билан таништирди.

— Бельгия, — деди у, — Ғарбий Европадаги тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ҳисобланади. Франция, Люксенбург, Германия Федератив Республикаси ва Голландия билан чегарадош. Майдони 30,5 минг квадрат километр, аҳолиси 8 миллион 900 минг. Африкада территория жиҳатидан ўзидан 80 марта, аҳолисининг сони жиҳатидан қариб икки марта катта бўлган Бельгия Конгоси деб аталувчи мустамлакага эга.

Бельгия саноатининг ривожланиши асосан ташқи савдога боғлиқдир.

«Коккериль-Угре» (кўмир-металлургия саноати), «Эно самбр» (қора металлургия саноати), «Софина» (электр қуввати ишлаб чиқариш), «Групп глассери» (ойна саноати), «Сосьете женераль» ва «Банк де Брюссель-Брюфина» (банк монополияси) монополиялари танҳо ўзлари ҳукмронлик қилаётган йирик капиталистик бирлашмалардир.

Бельгия қишлоқ хўжалигида асосий ўринни чорвачилик ишғол қилади. 60 процентга яқин хўжалик қишлоқ хўжалик экинлари майдонининг 22 процентини, 5 процент хонадон эса 28 процентини эгаллайди.

Биз суҳбатдан сўнг группа-группаларга бўлиниб, бириктирилган махсус автобусларда Антверпендан 48 километр узоқликда бўлган жаҳон виставкасига жўнаб кетдик. Виставкага олиб борадиган катта магистраль жуда серқатнов, машиналар колоннасининг охири кўринмайди.

ЖАҲОН ВИСТАВКАСИ

Антверпендан Брюсселга етиб келишимиз биланоқ жаҳон виставкасини кўришга шошилдик. Брюсселдан етти километр шимолда, Хейзель ва Лаакен паркида очилган Жаҳон виставкаси катта бир шаҳарни эслатади. «Инсон ва тараққиёт» темасида ташкил этилган виставкада 48 мамлакат ва 6 та халқаро ташкилот иштирок этаётир. Бу ерда дунёдаги ҳамма мамлакатлардан келган минг-мингларча кишиларни учратасиз. Улар икки юз гектарлик майдонни ишғол қилган виставка павильонларини зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар. Ҳамманинг диққат-эътибори Жаҳон виставкасида қатнашаётган мамлакатларнинг экспонатларида. Бельгия матбуотининг ёзишига қараганда, виставка очилган кундан бери ўтган тўрт ярим ой мобайнида виставкани ўттиз миллион уч юз мингдан ортиқ киши келиб кўрган. Виставканинг ёпилиши 19 октябрга мўлжалланмоқда.

Виставканинг асосий қисми Хейзель парки территориясида жойлашган. Лаакен парки виставканинг «Яшил зонаси» ҳисобланади. Виставка генерал комиссарининг резиденцияси — Бельведер саройи ҳам шу ерда.

Виставкага ўнта дарвозадан кириб борилади. Дарвозаларнинг бунчалик кўп бўлиши ер курраси-нинг ҳамма бурчакларидан келган юз мингларча туристларнинг вақтни тежашлари ва экспонатлар билан яхшироқ танишиб олишлари учун катта қулайлик туғдиради. Айтишларича, виставка павильонларини келиб кўрадиган кишиларнинг сони кунига икки юз-икки юз эллик минг кишига, дам олиш кунлари эса тўрт юз минг кишига етар экан. Чиндан ҳам бу ерда кишилар оқимининг кети узилмайди. Қаерга қараманг, ҳаммаёқ гавжум.

Бельгия секцияси эллик бир павильондан, Белгия Конгосининг экспозицияси етти павильондан иборат бўлиб, виставка территориясининг қарийб ярмисини ташкил этади. Виставкада Бельгия экономикасининг ҳамма тармоқлари кўрсатилган, саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалигига мустақил павильонлар бағишланган.

Виставкада социалистик мамлакатлардан фақат 3 таси — СССР, Чехословакия ва Венгрия қатнашмоқда. Хитой Халқ Республикаси виставкага таклиф қилинмагани учун Ҳиндистон ҳам виставкага иштирок этишдан бош тортган.

Виставканинг жанубий ва ғарбий-жанубий қисмида чет эл мамлакатларининг секциялари жой олган. Бу секцияларнинг шарқ томонида энг йирик павильонлар ҳисобланган СССР, АҚШ, Чехословакия, Франция, Венгрия, Канада, Англия, Германия Федератив Республикаси ва Голландия павильонлари жойлашган.

Павильонлар ичида ўзининг архитектураси жиҳатидан ҳамманинг диққатини жалб қиладиган «Атомиум» павильонидир. Виставка территориясининг осмонидан кўзга ташланиб турган бу павильонни Бельгиянинг ўзи қурган. Баландлиги 102 метрлик 9 та баҳайбат шардан иборат «Атомиум» атом асрининг — XX асрнинг символи сифатида, инсоннинг атом кучлари устидан қозонган шонли ғалабасини ифодаловчи йирик кашфиёт иншоати сифатида узоқ-узоқлардан яркираб, кўриниб турибди. «Атомиум» айниқса оқшом бошлангандан сўнг кишида унутилмас таассурот қолдиради. Диаметри 18-24 метрдан келадиган шарлардаги ўчиб-ёниб турадиган мингларча электр чироқлари осмондаги юлдузларга қўшилиб, чароқлаб кўринади.

Биз эскалаторларда «Атомиум» шарлари томон кўтарилдик. Бу шарлар бир-бирлари билан диаметри 3-3,30 метрлик трубалар орқали боғланган. Эскалаторлар ана шу трубалар ичига ўрнатилган.

«Атомиум»даги шарларда Бельгия, АҚШ, Германия Федератив Республикаси ва Италиянинг павильонлари бор. Бу павильонларда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш акс эттирилган. Энг юқоридаги шарда 140 кишилик ресторан очилган. Лекин бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Бельгия ресторанларидаги овқатларнинг нархи жуда қиммат. Биз пастда, «Атомиум» иншоотига кираберишда «эскалаторларда кўтарилиш нархи — 60 франк, обед — 150 франкдан 200 франккача» деб катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилганлигини ўқидик. Бундай таом даргоҳларининг эшикларида сочиқларини елкаларига ташлаб, хўрандаларни кутаётган официантларни учратасиз.

Биз павильонлардан павильонларга ўтиб бормоқдамиз. Виставкада катта Аудиториум, Фан, Санъат ва Спорт Саройлари, улардаги турли мамлакатларнинг экспозицияларини кўздан кечирмоқдамиз. Бу саройларда катта ва кичик мамлакатларнинг халқлари фан, техника, маданият, санъат, спорт соҳасида қўлга киритган ютуқлари кўрсатилган.

З. ЕСЕНБОЕВ.
(ДАВОМИ БОР).



Брюссель виставкасига кириладиган асосий дарвоза.



«Грузия» теплоходи Антверпен портида.



«Атомиум» шарлари.

Фотолар авторники.

(Бошқа газетамизнинг 24 сентябрь сонида).

АФҒОНИСТОН САВДО-СОТИҚ ДОИРАЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛДИ

Бутуниттифоқ савдо палатасининг таклифи билан Афғонистон савдо-сотиқ доиралари вакиллари группаси Совет Иттифоқига келди. Вакиллар группасига Афғонистон савдо министрлиги бошқармасининг бошлиги Омонулла Расул бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар Москвадан ташқари Ленинградда, Сочи ва Тошкентда бўладилар. Улар саноат корхоналари билан танишадилар, ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари билан учрашадилар.

Афғонистон савдо-сотиқ доираларининг вакиллари 24 сентябрда Лихачев номидаги автозаводга бордилар. Москванинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. (ТАСС).

РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

БУХАРЕСТ, 24 сентябрь. (ТАСС). 24 сентябрь — румин халқи ҳаётидаги муҳим айёмдир. 1952 йилда ана шу куни буюк Миллат мажлиси Руминия Халқ Республикасининг Конституциясини қабул қилди.

Бугун чиққан ҳамма газеталар бош мақолаларини ана шу шонли кунга бағишлаб ёзмоқдалар ҳамда янги конституция, халқнинг буюк ҳуқуқлари ва эркинликлари конституцияси байроғи остида румин халқи эришган муваффақиятлар тўғрисидаги фотосуратларни босиб чиқардилар.

«Роминия Либера» газетаси кенг халқ оммасини эзиш учун восита бўлиб келган эски буржуазия конституциялари ҳозир амалда бўлган чин халқ конституциясидан фарқ қилганлигини кўрсатиб, бундай деб ёзади: Конституциямизнинг жуда муҳим хусусияти шундан иборатки, у маълум ҳуқуқларни эълон қилиш билангина чекланиб қолмай, бу ҳуқуқлардан халқнинг фойдаланиши учун моддий имкониятларни ҳам таъминлайди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи социалистик саноатнинг тўхтовсиз ривожланиши билан, янги фабрика ва заводлар қурилиши билан гарантия қилинган. Мактаблар сонининг тобора кўпайтирилаётганлиги билим олиш ҳуқуқини таъминлайди. Давлат меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотларига босмаханоларни, нашриётларни бериб қўйганлиги сўз эркинлигини ва ҳоказоларни гарантия қилади.

Конституцияда Руминия давлатининг ташқи сиёсати ҳам белгилаб қўйилган. Руминия давлатининг ташқи сиёсати — Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари билан тинчлик, дўстлик ва иттифоқ сиёсати, барча тинчликсевар халқлар билан тинчлик ва дўстлик сиёсатидир.

КОРЕЯ ХАЛҚИ ЖАЗОИР РЕСПУБЛИКАСИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ПХЕНЬЯН, 24 сентябрь. (ТАСС). КХДР матбуотининг хабар беришича, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Корея комитети кеча Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгашининг Қоҳирадаги доимий секретариатига юборган телеграммада комитет барча корейс халқи билан бирга Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати тузилганлигини қизғин табриклайди, дейилган.

Жазоир янги ҳукумати вужудга келганлиги, дейилади телеграммада, Жазоир халқининг француз империалистик босқинчиларига қарши олиб борган давомли кураши туфайли эришилган галабадир ҳамда мустамлакачиликка ва империалистик босқинчиларга яна бир катта зарбадир.

АРАБ ХАЛҚЛАРИ ЖАЗОИР РЕСПУБЛИКАСИНИ ТАБРИКЛАМОҚДАЛАР

ҚОҲИРА, 24 сентябрь. (ТАСС). МЕН агентлиги қуйидагиларни билдиради: Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати номига турли мамлакатларнинг атоқли давлат, сиёсий ва жамоат арбоблари, касаба союз ва бошқа ташкилотларидан жуда кўп табрик телеграммалари келмоқда.

Ливаннинг атоқли арбоблари Соиб Салом ва Абдуллаҳ Яфи, Судан бош министри Абдулла Халил, Судан ташқи ишлар министри Муҳаммад Аҳмад Маҳғуб, Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари ҳамкорлиги Судан миллий комитети, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб мамлакатларининг кўпгина касаба союзлари табрик телеграммалари юбордилар.

АҚШДА «ПОЛАРИС» РАКЕТАСИНИ УЧИРИШ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА УЧРАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Канаверал бурунидан хабар қилишича, бугун у ерда ўртача узоқликка учадиган «Поларис» ракетасини учириш йўлидаги уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиққан. Ракета учирилганидан кейин орадан бироз вақт ўтгач ҳавода портлаб кетган.

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессияси

23 сентябрь кундузги ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 23 сентябрь. (ТАСС). Бугун БМТ Бош Ассамблеясининг кундузги мажлисида Хитойнинг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масала юзасидан дискуссия давом этди. Венгрия ташқи ишлар министри Эндре Шиқ айтдики, Хитойнинг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масала АҚШ ва уни қувватловчи мамлакатларнинг истаганлигича ёки истамаганлигича қарамай, ҳозир БМТда муҳокама қилинмоқда. Хитой Халқ Республикасининг Марказий халқ ҳукуматигина Хитой халқининг вакиллиги бўла олишини бутун дунё билади. Тарих томонидан аллақачон ҳал қилинган масалани БМТ ҳал этиш пайти келди.

Украина ССР делегациясининг бошлиги Л. Ф. Паламарчук Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш «халқаро кескинликнинг кучайишига» олиб келиши мумкин, деган кулгули даъволарни фош қилди. Ҳақиқатан ҳам, деди у, Хитойга қарши атом қуроли қўлланган ҳолда агрессия қилиш билан дўқ қилувчи АҚШнинг айби билан Узоқ Шарқдаги халқаро вазият гоят хавфли суратда кескинлашди. Хитойнинг вакиллиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш халқаро кескинликни юмшатишгагина ёрдам берган бўлур эди. Украина ССР делегацияси Ҳиндистон ва бошқа 6 давлат томонидан киритилган тузатишларни қатъий равишда қўллаб-қувватлайди.

Исландия вакили Торс Узоқ Шарқдаги аҳвол ҳозирги пайтда тинчлик учун энг кўп хавф туғдирмоқда, деб таъкидлади. Хитой Халқ Республикаси сингари мамлакатнинг ҳукумати но муайян вақт давомида БМТда қатнаштирилмай қолишини ҳатто фараз этиш ҳам мумкин эмас, деди.

Шу билан бирга Исландия делегати Америка резолюцияси овозга қўйилганда ҳам, Осиёдаги етти мамлакат таклиф этган тузатишлар овозга қўйилганда ҳам, унинг делегацияси бетараф қолишини айтди.

Мексика вакили де Ла Колина Ҳиндистоннинг ва бошқа 6 мамлакатнинг киритган тузатишлари овозга қўйилган вақтда, ўз делегацияси бетараф қолажагини билдирди.

Ҳиндистон делегациясининг бошлиги Кришна Менон айтдики, Бош комитетда ва ялпи мажлисларда дискуссиянинг узоқ давом этганлиги бу масалани муҳокама қилиш ва ҳал этиш нақадар муҳим эканлигини исбот қилиб турибди. Бу масалани Бош Ассамблеянинг ҳозирги сессияси кун тартибига киритишдан бош тортиш, кўпчилик инсониятнинг хоҳиш-иродасига ҳилоф бўлур эди. Кришна Менон Цзиньминьдао ва қиргоқ ёнидаги бошқа ороллар Хитойнинг ажралмас қисмидир ва бу ороллар учун кураш «Хитойда 30 йилдан бери олиб борилаётган тўхтовсиз революцион курашнинг давомидир», деб таъкидлади. Чанкайшичилар уларни Хитой халқи қўллаганлиги учун эмас, балки улар чет эл қуролли кучларининг ҳимояси остида бўлганликлари учунгина шу оролларда ва Тайванда қолиб келмоқдалар.

Бош Ассамблея, деди сўнгра Менон, агар реал аҳволни эътиборга олмаса ва Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги вакиллиги масаласини, ҳатто, қараб чиқишдан бош тортадиган бўлса, Узоқ Шарқдаги кескинликни юмшатишга ёрдам беролмайди.

Пировардида у «шундай қила оладиган» ҳамма делегацияларни Хитойнинг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги моддани кун тартибига киритиш таклифини ёқлаб овоз беришга ҳамда бу билан шу муҳим масаланинг ижобий ҳал этилишига ёрдам беришга даъват этди.

Шундан кейин, Ассамблея овозга қўйишга ўтди. Бош комитетнинг тавсияларига Ҳиндистон ва бошқа олти мамлакат томонидан киритилган тузатишлар кўпчилик овоз билан рад этилди. Ҳарбий шартномалар орқали АҚШ билан боғланган давлатлар, шунингдек Латин Америкаси мамлакатлари бу тузатишларга қарши овоз бердилар. Тузатишларнинг биринчи моддасини, яъни Хитойнинг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масаланинг Бош Ассамблея сессияси кун тартибига киритилишини кўзда тутадиган моддани ёқлаб 29 делегация (Албания, Афғонистон, Белоруссия ССР, Бирма, Болгария, Венгрия, Гана, Дания, Ҳиндистон, Индонезия, Ироқ, Ирландия, Яман, Камбоджа, Ливия, Марокаш, Непал, Норвегия, Бирлашган Араб Республикаси, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Судан, Украина ССР, Финляндия, Цейлон, Чехословакия, Швеция ва Югославия) овоз бердилар. Бунга қарши 40 овоз берилди ва 12 делегация (Австрия, Греция, Исроил, Исландия, Лаос, Либерия, Мексика, Янги Зеландия, Португалия, Саудия Арабистони, Тунис ва Эфиопия) овоз беришда бетараф қолди.

Бош комитетнинг тавсияси 28 овозга қарши 44 овоз билан қабул қилинди ва 9 делегация бетараф қолди. Бу тавсиянинг Хитой вакиллиги тўғрисидаги моддани ушбу сессия кун тартибига киритмаслик ҳақидаги биринчи модда 28 овозга қарши 40 овоз билан қабул қилинди ва 13 делегат бетараф қолди.

Шундай қилиб, Қўшма Штатлар Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масалани ҳозирги сессияда муҳокама қилмаслик ҳақидаги қарорни Бош Ассамблеяда яна бир марта қабул қилдиришга муваффақ бўлди. Америка Қўшма Штатлари бунга эришиш учун бошқа делегацияларга қўпол равишда тазъйиқ қилиш билангина қолмасдан, шу билан бирга, овозларни сотиб олишни жуда ҳам эслатадиган найрангларни ишлатди. АҚШ Хитой вакиллиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинган вақтга тўғрилаб, Латин Америкаси давлатларининг махсус кенгашини ўткази, шу кенгаш муносабати билан ўз ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайдиган давлатларга иқтисодий «ёрдам» беришни ваъда қилди.

Бироқ, Қўшма Штатлар Хитойнинг вакиллиги тўғрисидаги масала юзасидан дискуссия ўтказилишига тўсқинлик қилолмади. Ассамблея бу масалани уч мажлисида муҳокама қилди. Бу дискуссияда қатнашган 30 делегатдан фақат чанкайшичининг ёлғиз ўзигина бу масалада Америка делегациясининг позициясини сўзсиз қувватлади. Англия ва Канада делегатлари сингари яккаякка шахсларгина бетайин ва чалкаш декларациялар билан ўз позицияларидаги қарама-қаршиликларни яширишга муваффақиятсиз уриндилар. Дискуссияда қатнашган 30 делегатдан 24 делегат улуғ Хитойнинг БМТдаги қонуний ҳуқуқлари тикланишини сўзсиз талаб қилди. Бу делегатлар эса, инсониятнинг кўпчидигидан вакил бўлиб келган делегатлардир.

Шу нарса характерлидирки, Латин Америкаси мамлакатларининг делегатларидан ҳеч қайсиси Қўшма Штатлар буюрган ўз шармандали позициясини Ассамблея минбарида ошкора ҳимоя қилиб чиқмади. Шу нарса ҳам намуналики, Америка резолюциясининг асосий моддаси овозга қўйилганда, уни ёқлаб 40 овоз берилди (чанкайшичининг ғайри қонуний овозини ҳам ҳисоблаганда), бу эса, БМТга аъзо бўлган мамлакатлар умумий сонининг (81) ярмидан камроқ қисмини ташкил этади.

Хитойнинг вакиллиги тўғрисидаги масала юзасидан бугунги овоз бериш натижаларини аввалги сессиялардаги овоз бериш натижалари билан таққослаш АҚШ томонидан қўлланилаётган барча тазъйиқ қилиш воситаларига қарамай, бу масалада затишлар кўпчилик овоз билан рад этилди. Ҳарбий шартномалар орқали АҚШ билан боғланган давлатлар, шунингдек Латин Америкаси мамлакатлари бу тузатишларга қарши овоз бердилар. Тузатишларнинг биринчи моддасини, яъни Хитойнинг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масаланинг Бош Ассамблея сессияси кун тартибига киритилишини кўзда тутадиган моддани ёқлаб 29 делегация (Албания, Афғонистон, Белоруссия ССР, Бирма, Болгария, Венгрия, Гана, Дания, Ҳиндистон, Индонезия, Ироқ, Ирландия, Яман, Камбоджа, Ливия, Марокаш, Непал, Норвегия, Бирлашган Араб Республикаси, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Судан, Украина ССР, Финляндия, Цейлон, Чехословакия, Швеция ва Югославия) овоз бердилар. Бунга қарши 40 овоз берилди ва 12 делегация (Австрия, Греция, Исроил, Исландия, Лаос, Либерия, Мексика, Янги Зеландия, Португалия, Саудия Арабистони, Тунис ва Эфиопия) овоз беришда бетараф қолди.

Бош комитетнинг тавсияси 28 овозга қарши 44 овоз билан қабул қилинди ва 9 делегация бетараф қолди. Бу тавсиянинг Хитой вакиллиги тўғрисидаги моддани ушбу сессия кун тартибига киритмаслик ҳақидаги биринчи модда 28 овозга қарши 40 овоз билан қабул қилинди ва 13 делегат бетараф қолди.

Шундай қилиб, Қўшма Штатлар Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масалани ҳозирги сессияда муҳокама қилмаслик ҳақидаги қарорни Бош Ассамблеяда яна бир марта қабул қилдиришга муваффақ бўлди. Америка Қўшма Штатлари бунга эришиш учун бошқа делегацияларга қўпол равишда тазъйиқ қилиш билангина қолмасдан, шу билан бирга, овозларни сотиб олишни жуда ҳам эслатадиган найрангларни ишлатди. АҚШ Хитой вакиллиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинган вақтга тўғрилаб, Латин Америкаси давлатларининг махсус кенгашини ўткази, шу кенгаш муносабати билан ўз ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайдиган давлатларга иқтисодий «ёрдам» беришни ваъда қилди.

Бироқ, Қўшма Штатлар Хитойнинг вакиллиги тўғрисидаги масала юзасидан дискуссия ўтказилишига тўсқинлик қилолмади. Ассамблея бу масалани уч мажлисида муҳокама қилди. Бу дискуссияда қатнашган 30 делегатдан фақат чанкайшичининг ёлғиз ўзигина бу масалада Америка делегациясининг позициясини сўзсиз қувватлади. Англия ва Канада делегатлари сингари яккаякка шахсларгина бетайин ва чалкаш декларациялар билан ўз позицияларидаги қарама-қаршиликларни яширишга муваффақиятсиз уриндилар. Дискуссияда қатнашган 30 делегатдан 24 делегат улуғ Хитойнинг БМТдаги қонуний ҳуқуқлари тикланишини сўзсиз талаб қилди. Бу делегатлар эса, инсониятнинг кўпчидигидан вакил бўлиб келган делегатлардир.

Шу нарса характерлидирки, Латин Америкаси мамлакатларининг делегатларидан ҳеч қайсиси Қўшма Штатлар буюрган ўз шармандали позициясини Ассамблея минбарида ошкора ҳимоя қилиб чиқмади. Шу нарса ҳам намуналики, Америка резолюциясининг асосий моддаси овозга қўйилганда, уни ёқлаб 40 овоз берилди (чанкайшичининг ғайри қонуний овозини ҳам ҳисоблаганда), бу эса, БМТга аъзо бўлган мамлакатлар умумий сонининг (81) ярмидан камроқ қисмини ташкил этади.

Хитойнинг вакиллиги тўғрисидаги масала юзасидан бугунги овоз бериш натижаларини аввалги сессиялардаги овоз бериш натижалари билан таққослаш АҚШ томонидан қўлланилаётган барча тазъйиқ қилиш воситаларига қарамай, бу масалада Қўшма Штатларга эргашувчи делегацияларнинг сафлари тобора камаяётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Иккинчи томондан, Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқларини тиклаш учун овоз берувчи делегацияларнинг сони 1953 йилдаги 10 делегациядан шу сессияда 29 делегацияга етди. Овоз беришда бетараф қолганларнинг сони эса, 2 делегатдан 12 делегатга етди. Ассамблеянинг XII сессиясида Американинг шу хил резолюциясини ёқлаб 47 делегация овоз берган бўлса, ҳозирги сессияда 44 делегация, асосий моддани ёқлаб эса, фақат 40 делегация овоз берди.

АҚШ жаҳон жамоатчилигининг талабларини ва ўз шерикларининг нолишларини бу сафар ҳам эътиборсиз қолдириб, Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги қонуний ҳуқуқлари тикланишига тўсқинлик қиладиган резолюцияни қабул қилдириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилганлиги факти АҚШнинг Хитойга нисбатан ўз агрессив планларидан воз кечиш ниятида эмаслигини яна бир марта кўрсатиб турибди.

* * *

Ассамблеянинг ялпи мажлисида Бош комитетнинг тавсияси овозга қўйилгандан кейин, умумий сиёсий дискуссия яна бошланди. Австрия ташқи ишлар министри Л. Фигль ўз мамлакати сиёсий бетарафликка амал қилгани ҳолда, энг муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда актив иштирок этиш ниятида эканлигини айтди. У, ғарб мамлакатларининг БМТ доимий қуролли кучларини вужудга келтириш тўғрисидаги идеясини қўллаб-қувватлади ва Австрия бу кучларни тузишда иштирок этишга тайёр, деди.

Австрия делегати ҳозирги вақтда қуролсизланиш проблемасини ҳал этишда баъзи муваффақиятларга эришиш учун асослар бор, деган фикрни айтди.

Сўнгра, Филиппин ташқи ишлар министри Серрано сўзга чиқиб, Қўшма Штатларнинг Узоқ Шарқдаги агрессив сиёсатини ҳимоя қилди.

Афғонистон вакили А. Пежвак Яқин Шарқда рўй берган ҳозирги аҳвол муносабати билан ўз ҳукуматининг ташвишланаётганлигини билдирди. Кўрилган тадбирларга қарамай, деди у, Бош Ассамблея фавқулодда сессиясининг қарорлари ҳанузгача бажарилгани йўқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз қарорларининг бажарилишига эришиш учун янги тадбирларни кўриши лозим.

Жазоирдаги воқеаларнинг ривожланиши ҳам ташвиш туғдирмоқда, деди сўнгра у. Бу масала юзасидан ўтган сессияда қабул қилинган қарорлар бажарилмади. Жазоирдаги уруш давом этмоқда. Кипр ҳақидаги ва Ғарбий Ириан ҳақидаги масалалар ҳам ҳал қилингани йўқ.

Афғонистон делегати Узоқ Шарқ проблемаси ҳозирги вақтда энг кўп хавф туғдирувчи проблемадир, деб таъкидлади ва Ассамблеяни бу проблемани ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

Пежвак қуролсизланиш масалаларини шошилинч равишда ҳал этиш зарурлигини таъкидлаб, ўз мамлакати ядро қуроли синовларининг ҳамма мамлакатлар томонидан тўхтатилишига ва бу масала юзасидан битимга эришишга халақит берадиган сабаблар йўқ, деб билганлигини айтди. У пировардида, дунёни ажратиб турувчи ҳарбий блокларга қарши чиқди ва ўз мамлакати барча давлатлар билан, шу жумладан ўзининг ҳамма қўшнилари билан дўстлик муносабатларини сақлаб келди ва сақлайди, деди.

Шу билан Бош Ассамблеянинг кундузги мажлиси тамом бўлди. Эртага эрталаб умумий сиёсий дискуссия давом эттирилади.

24 сентябрь эрталабки ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 24 сентябрь. (ТАСС). Бугун БМТ Бош Ассамблеясининг эрталабки ялпи мажлисида умумий сиёсий дискуссияда Комбоджа, Туркия, Эфиопия ва Чехословакия делегатлари сўзладилар.

Комбоджа бош министри ва делегация бошлиги Нородом Сианук кичик бетараф мамлакатлар қандай қилиб «совуқ уруш» қурбони бўлиб қолишини ўз мамлакатининг мисолида кўрсатиб берди. Биз, деди у, аҳволни тушуниб ва сабр-тоқат қилиб, Ғарб билан ҳам, Шарқ билан ҳам яхши муносабатларда бўлишга интилмоқдамиз. Лекин биз қурилиш ишларида ёрдам бериш учун Хитой Халқ Республикасидан мутахассисларни таклиф қилишимиз биланоқ, бизга қарши душманлик пропагандаси бошланди. Бизни ўз мамлакатимизни «коммунистик таъсир базаси»га айлантиришда айблай бошладилар.

Туркия ташқи ишлар министри Зорлу ўз нутқининг деярлик ярмисини Кипр масаласига бағишлади. У, Кипр проблемасини «ҳал этиш»нинг Англия планини аҳамиятсиз далиллар билан ҳимоя қилди. Маълумки, бу планни Кипр аҳолиси ва Греция рад этган эди.

Зорлу қуролсизланиш масалаларига, Узоқ Шарқдаги кризисга ва бошқа халқаро проблемаларга тўхталиб, бу масалаларда Ғарб давлатларининг нуқтаи назарини умумий сўзлар билан қувватлади.

Эфиопия ташқи ишлар министри Ильма Дересса кичик мамлакатлар деб аталадиган кўп мамлакатларнинг, шунингдек ҳали ҳам бўлса ўз миллий мустақилликлари учун курашаётган мамлакатларнинг оғир иқтисодий аҳволига Ассамблеянинг эътиборини жалб этди.

БМТ, деди Чехословакия делегациясининг бошлиги Вацлав Давид, уруш хавфининг олдини олиш учун, халқлар ўртасида тинч-тотув яшаш принциплари асосида дўстона ҳамкорликни ривожлантириш учун дарҳол қатъий тадбирларни кўриши лозим.

Чехословакия ташқи ишлар министри Хитойнинг Тайвань ороли районида Америка қуролли кучлари тўпланаётганлигига эътиборни жалб этиб, АҚШнинг игвогарлик ҳаракатларидан кузатилган мақсад — дўқ ва игвогарлик ёрдами билан Хитой Халқ Республикасини Америка буйруқларига амал этишга мажбур қилишдан иборатдир.

АҚШ ва Буюк Британиянинг Ливан ва Иорданиядаги қуролли интервенцияси натижасида Яқин ва Ўрта Шарқда вужудга келган хавфли аҳвол ҳам жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида қолиб келмоқда, деди Чехословакия вакили. Давид Бош Ассамблеянинг III фавқулодда сессияси қабул қилган резолюция шу вақттача бажарилмай келаётганлигини таъкидлади. АҚШ ва Англия, деди у, халқларнинг якдилона талабига, ниҳоят, бўйсинишлари ва ўз қўшинларини бу райондан олиб чиқиб кетишлари лозим.

Шу вақтгача ҳал этилмаган халқаро проблемалар орасида, деб давом қилди Чехословакия вакили, қуролсизланиш масаласи энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан, деди Давид қуролсизланиш соҳасидаги тадбирлар тўғрисида Совет Иттифоқи делегацияси томонидан Бош Ассамблеянинг шу сессияси қарамоғига тақдим этилган меморандуми жуда катта аҳамиятга эга. Бу меморандумда баён этилган таклиф қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш учун реал имкониятлар очиб беради.

Сўнгра Чехословакия ташқи ишлар министри давлатлар ўртасида ишонч ўрнатиш кечиктириб бўлмайдиган жанжалли масалаларни ҳал этиш учун зарур шарт эканлигини таъкидлаб, ўз ҳукумати изчил тинчлик сиёсати принципларига амал қилиб, «Тинч-тотув яшаш принципларини амалга ошириш ва жорий этиш йўлидаги тадбирлар» деган моддани сессия кун тартибига киритиш учун тақдим этганлигини айтди.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Ўзбекистон ўнинчи спартакиадаси



Ўзбекистон ўнинчи спартакиадасининг мусобақалари пойтахт спорт ҳаваскорларида катта таассурот қолдирди. Суратларда: 1. Биринчи разрядли Р. Сандов (Тошкент) ва 2- разрядли М. Шайхисломов (Қорақалпоғистон АССР) эркин кураш бўйича мусобақалашмоқдалар. Р. Сандов мусобақада ғолиб чиқди. 2. Хитойлик спортчи қиз Чжен Фин-люн 1,65 сантиметр баландликдаги планкадан сакраб ўтмоқда.

В. Панов фотоси.

Ўзбекистон физкультурачиларининг ўнинчи спартакиадаси охирлаб қолди. Спортнинг анчагина турлари бўйича кўпгина физкультурачиларга республика чемпиони номи берилди.

24 сентябрда енгил атлетика мусобақалари тамом бўлди. Тошкентлик спортчи Раис Фазлиакбаров 10 минг метрга югуришда янги рекорд қўйди. У масофани 31 минут-у 35 секундда босиб ўтди. Бу илгариги даражадан 15,8 секунд камдир. Барьер 3 минг метр масофани 9 минут 40,8 секундда босиб ўтган Я. Фатиадис Ўзбекистон чемпиони бўлди. Дунё рекордсмени Олег Ряховский Совет Иттифоқи терма командаси составида бошқа ерда бўлганлиги туфайли уч ҳатлаб сакраш мусобақаларида қатнаша олмади. Шу сабабли пойтахт спортчилари Ю. Мусташкин ва Ю. Мордавковларгина чемпион номини олиш учун ўзаро курашдилар. Мусташкин 14 метр 54 сантиметрга сакраб биринчи ўринни, Мордавкин 14 метр 36 сантиметрга сакраб иккинчи ўринни олди. Тошкент области вакили О. Исоқов учинчи ўринда қолди.

Тошкентлик спортчи Ю. Красильников икки галабани қўлга киритди. У десятиборье ва копье улоқтиришда республика чемпиони номини олишга муваффақ бўлди.

Эстафета мусобақалари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Хотин-қизлар командаси ўртасида 4х200 метр масофани Фарғона область командаси 1 минут 49 секундда босиб ўтиб, ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни Тошкент шаҳри командаси, учинчи ўринни Тошкент области вакиллари эгалладилар. Эрлар командалари ўртасида 4х400 метрли масофани ҳаммадан олдин босиб ўтган пойтахт спортчилари ғолиб чиқдилар. Самарқанд область командаси иккинчи ўринда, Тошкент область командаси учинчи ўринда қолди.

Тўрт кун давом этган енгил атлетика мусобақалари якунланиб, кубок Тошкент спортчиларига топширилди.

Спартакиада программасининг беш тури бўйича ҳам мусобақалар тамом бўлди. Теннис бўйича Тошкент шаҳрининг ёшлар командаси биринчиликни олди. Эркин курашда биринчи группада Тошкент терма командаси ва иккинчи группада Қашқадарё область командаси ғолиб чиқди. Оғирлик категорияларига қараб У. Сарибоев (Қорақалпоғистон АССР), Р. Саидов ва А. Прут (Тошкент), Г. Жухевич (Тошкент области), А. Ванюхин, К. Аблаев, В. Шилов ва Крапинин (Тошкент) ўртоқларга республика чемпиони номи берилди.

Штангистлар мусобақаси ҳам якунланди. Кескин курашдан сўнг оғирлик категориялари бўйича В. Ли, Д. Данилин (Тошкент), Г. Петросов (Самарқанд), Г. Шарипов, Ю. Расческин, Ю. Тамбиев ва С. Карепаков ўртоқлар ғолиб чиқдилар. Оғир вазнлилар ўртасида Г. Аванесов янги республика рекордига эришди. У бир зарб билан 125,5 килограмм штангани кўтарди.

Спартакиадада мерганлар ҳам яхши натижаларни кўрсатдилар. Улар 3 та республика рекорди қўйдилар. Уч спортчи СССР спорт мастери нормасини бажарди. Сурхондарёлик И. Тарасов ажойиб натижага эришди. У 600 имкониятдан 583 очко тўплади.

Спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган мусобақада Қорақалпоғистон вакили Ц. Кветвой ажойиб натижага эришди. У СССР спорт мастери нормасини бажарди.

Умумкоманда ҳисобида спартакиаданинг ҳамма программаси турлари бўйича Ўзбекистон пойтахти спортчилари биринчиликни олдилар.

Бугун спартакиаданинг ёпилиш маросими бўлади. (ЎзТАГ).

ФУТБОЛ

Қизғин кураш натижаси

Кеча Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида «Меҳнат резервлари» ва бешинчи зона лидерларидан бири бўлган «Қайрат» (Алмаота) командалари учрашди. Қизғин кураш вазиятида ўтган ўйин 2:0 ҳисоби билан «Қайрат» командаси фойдасига ҳал бўлди.

Янги цехлар

Қорасув районидаги «Гужтранс» артелининг коллективи 1958 йил планини муддатидан илгари бажариш учун дастлабки ойлардан бошлабоқ фидокорона меҳнат қилди. Барча цехларда ички имкониятлардан тўла фойдаланиш, аҳолига сифатли кенг истеъмол буюмлари етказиб бериш учун мусобақанинг қизитилиши натижасида дуруст муваффақиятларга эришилди. Шу йилнинг 8 ойлик плани анча ошириб адо этилди.

Артель аъзолари қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун шу кунларда кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Айниқса 1-темирчилик цехи коллективи унумли ишламоқда. Меҳнатнинг яхши ташкил этилиши, коллективнинг баракали ишлаши учун қулай шароитларнинг яратиб берилганлиги натижасида цех барча кўрсаткичлар бўйича илғор бўлиб келмоқда.

Меҳнаткашларни кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида артель маъмурияти бир неча янги цехлар қурмоқда. Яқинда ишга туширилган тикув машиналарини ремонт қилиш цехи шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда мебель ва янги темирчилик цехлари қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Улар КПСС XXI съезди очилиш куни олдидан ишга туширилади.

И. РУСТАМОВ.

Пахтакорлар хизматида

Калинин район соғлиқни сақлаш бўлими йигим-терим даврида пахтакорларга медицина ёрдами кўрсатишни яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар белгилади. Яқинда район врачлари пахтакор «Коммунизм» ва «Октябрь» колхозларида бўлиб, колхозчилар ўртасида махсус мажлис ўтказдилар. Бунда болалар боқчаси ва яслилар ишини яхшилаш масалалари кўрилди.

Далачилик бригадаларида аптечкалар ташкил қилинди, Ленин номли қишлоқ Совети марказида 1 категорияли аптека очилди. Булардан ташқари, ич терламаси, бўғма касалликларига қарши эмлаш ўтказилди.

Участка врачлари шу кунларда колхозчилар орасида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказаётирлар.

Пахтакорлар ўзларига кўрсатилаётган бундай медицина хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

С. МУСАЕВ.

Уч бола туғилди

Гулистон районининг марказида яшовчи Валентина Григорьевна Сивань икки ўғил ва бир қиз туғди. Болалар соғлом ўсмоқда, она ҳам ўзини яхши ҳис этмоқда. Район соғлиқни сақлаш бўлими она ва болаларга зарур медицина ёрдамини кўрсатиб турибди.

А. МИРЗАЕВ.

Телевидор экранида

26 СЕНТЯБРДА

19.30. Саноат ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.

19.45. Киножурнал.

19.55. «Америкалик прогрессив композитор Гершвин туғилган кунининг 60 йиллиги» деган телевизион календарь.

20.15. Бадиий фильм — «Юрак амри билан».

Сўнгги ахборот.

Редактор ўринбосари **М. ҚОРИЕВ.**

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — қишки мавсумнинг очилиши — 27/IX да **Бой ила хизматчи.** Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Қизил яproқлар**, кундуз соат 4-20 минутда **Бахтнинг қадрига етиш керак.**

«ИСКРА» (ёзги), КАФАНОВ номли — янги фильм **Навбатдаги сафар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 да **Отар бевасн**, қолган сеансларда **Фотима.**

«ХИВА» — **Севги тароналари.**

«САЛЮТ» — **Гитарали қиз.**

ТОШКЕНТ
давлат циркида
26 сентябрда
қишки мавсум
ОЧИЛАДИ.

Тошкентдаги
«ГОРОЧИСТКА»
ТРЕСТИГА
II класс шоферлар, юкчи ишчилар
КЕРАК
Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.
Адрес: Болгарские огороди кўчаси, 43-уй (5-трамвайнинг «Қорасув» остановкаси).

Газета ва журналларга

1959 йил учун ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, республиканинг алоқа конторалари, шаҳар ва қишлоқ бўлимларида, шунингдек ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика, завод колхоз, совхоз, МТС ва РТС-лардаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

«Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида обуна ҳар куни соат 9 дан 19 гача, дам олиш кунларида эса соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Матбуот тарқатиш бўлими.

Ленинград кўчаси, 19- уй, 23-квартирада турувчи **Марат Маликович Каҳҳоровнинг** Навоий кўчаси, Кузнецов проезди, 26 уйда турувчи Ширин Раҳимовна Зоировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Қорақалпоқ кўчаси, 37-уйда турувчи **Вера Сергеевна Кобчикнинг** Озарбайжон ССРда турувчи Всеволод Викторович Кобчикдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 1-участка халқ судида кўрилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

ТОМ

**НОМЛИ ЯНГИ Б